

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Ёш даврлар физиологияси ва гигиенаси”  
фанидан**

**МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ**

**5140900-“Касбий таълим”  
йўналиши**

**Тошкент- 2005**

“Тасдиқлайман”  
“Ахборот технологиялари ва менеджмент”  
факультети декани. \_\_\_\_\_ Проф.Б.А.Бегалов  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2005 йил

“Тавсия этилган”  
“Педагогик ва психология”  
кафедраси мудири \_\_\_\_\_ проф В. Каримова  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2005 йил

Такризчилар:  
1.Хасанбоев Ж. п.ф.д. Тошкент Давлат Педагогика  
Университети профессори

Тузувчи: С. Джалалова  
“Ёш даврлари физиологияси ва гигиенаси”  
фани (маърузалар матни) 2005 йил

## МУНДАРИЖА

1. ЁШ ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА ГИГИЕНАСИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ. ....
2. БОЛАЛАР ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ УМУМИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ.....
3. НЕРВ СИСТЕМАСИНИНГ ФИЗИОЛОГИЯСИ, ВА УНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....
4. ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИИНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....
5. НЕРВ СИСТЕМАСИНИНГ ГИГИЕНАСИ.....
6. ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ИШЛАРИ ГИГИЕНАСИ.....
7. ТАЯНЧ-ХАРАКЛТ ТИЗИМИНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГИГИЕНАСИ.....
8. ОВКАТ ХАЗМ КИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ОВКАТЛАНИШ ГИГИЕНАСИ. ....
9. НАФАС ОЛИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГИГИЕНАСИ.....
10. АЙЙРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ. ТЕРИ ТУЗИЛИШИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ.РҲҲАТИ. ....
11. БОЛАЛАР ВА УСМИРЛАР САЛОМАТЛИГИ. ЁМОН ОДАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ .....
12. МОСКВА ШАҲРИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАН ОЛИБ КЕЛИНГАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ, ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА ВА ДАРСЛИКЛАР РҲҲАТИ.....
13. ИЛОВАЛАР.....

**1-МАЪРУЗА**  
**МАВЗУ. «ЁШ ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА ГИГИЕНАСИ» ФАНИНИНГ**  
**ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА АХАМИЯТИ**

Режа:

1. Ёш физиологияси предмети.
2. Мактаб гигиенаси предмети ва ахамияти.
3. Ёш физиологияси ва гигиенаси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси ва қисқача тарихи.
4. 2000 йил — соғлом авлод йили.
5. "Соғлом авлод учун" дастур

Ёш физиологияси ва гигиенаси фани талабаларга, бўлажак муаллимларга ривожланаётган организмнинг ўсиш ва ривожланиши, болаларнинг ёш хусусиятлари, унинг ташқи муҳит билан ўзаро боғлиқлиги, болаларда учрайдиган турли касалликлар ва уларни олдини олиш йўлларини ўргатишда, билимга эга қилишда катта аҳамиятга эга.

Физиология биологиянинг бир тармоғи бўлиб, органлар, органлар системасини ва организм функцияларини ҳамда ҳаёт жараёнларини ўрганади.

Ёш физиологияси фани тиббиёт фанлари бўлмиш одам анатомияси ва физиологияси фанининг бир тармоғи бўлиб, ёш организмнинг катта одам организмидан тубдан фарқ қилишини курсатади. Демак, бола организми фақат катта одамнинг қолипига эмас, балки ҳажми, физиологик хусусиятлари ва ташқи муҳитга мосланиши билан фарқ қилади.

Ёш физиологияси фани турли ёшдаги болалар ва усмирларнинг организмларида кечадиган ўсиш ва ривожланиш жараёнларини, органлари, гуқималари ва тизимларини ўзига хос ёш хусусиятларини ўрганади.

***Ёш физиологияси ўрганадиган асосий объект болалардир.***

Гигиена одамни ураб турган ташқи муҳитни соғломлаштириш йўлларини ўрганади. Гигиена фани мактаб гигиенаси, коммунал гигиена, овқатланиш гигиенаси, меҳнат гигиенаси ва гигиенага оид бошқа фанларни ўз ичига олади. Мактаб гигиенаси болалар ва усмирлар организми билан ташқи муҳит ўртасидаги қонуниятларни ўрганади, уларни туғри ўсиб ривожланишлари учун зарур гигиена асосларини ишлаб чиқади. Мактаб гигиенасининг асосий максуди бола ақлий меҳнат қобилиятининг функционал имқониятлари ортиб бориши, турли шароитга мослашиши, чарчаш ва ута чарчаш, асаб ва бошқа турли касалликларни олдини олиш учун чора—тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, болалар муассасаларининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, таълим-тарбия жараёнининг гигиеник асослари, мактабларни туғри қуриш ва ободанлаштириш ва шунга ўхшаш бошқа масалалар билан шуғулланади. Санитария одам саломатлигини таъминлайдиган гигиена талабларини ҳаётга татбиқ этади. Санитария сўзи

гигиеник маълумотларни амалиётта татбиқ қилиш маъносини билдиради. Гигиена фанида тиббий эксперимент усули асосий усул бўлиб, у организмга ташқи муҳитнинг ҳар томонлама таъсирини урганади. Табиий гигиеник эксперимент усулида бола учун табиий яшаш шароитида (дарс соатлари, жисмоний машқлар ва бошқалар) организм билан ташқи муҳит уртасидаги ўзаро боғлиқлик, табиий омилларнинг бола организмга таъсирини кузатиб, шу ёшдаги болаларга унинг анатомио-физиологик имкониятларига қараб тегишли нормалар белгиланади.

Ёш физиологияси ва гигиенаси бир қанча фанлар: тиббиёт, педагогика психология фанлари билан ҳамма ҳам боғлангандир. Ёш физиологияси буларнинг илмий-назарий асоси ҳисобланади.

Тиббиётнинг талайгина соҳалари-педиатрия, болалар хирургияси, болалар ва усмирлар гигиенаси - ёш физиологияси маълумотларидан жуда кенг фойдаланади. Шулар асосида ўз фан соҳаларини ривожлантириб боради. Ёш физиологияси ва гигиенаси педагогика ва унинг барча соҳалари учун илмий-табиий асосдир. Ёш психологияси ҳам ёш физиологияси маълумотларига таянади. Педагоглар таълим-тарбия ишларини ёш физиологияси ва гигиенаси маълумотларига асосланган ҳолда олиб боришлари муҳим аҳамиятга эга. Педагог билиб олиши шарт бўлган биринчи нарса, бу бола танасининг тузилиши ва ҳаёти, бола танасининг анатомияси ва физиологияси ва унинг ривожланишидир. Бусиз яхши педагог бўлиш, болани туғри тарбиялаш мумкин эмас. Боланинг жисмоний ва аклий қобилиятларини, уни нималарга қодир эканлигини билмасдан туриб, ёшга алоқадор хусусиятларини назар-эътиборга олмасдан туриб таълим—тарбия ишларини туғри йўлга қуйиш мумкин эмас. Болаларни туғри устириб тарбиялаш мамлакатни юксалтириш ва тараққий эттириш гаровидир.

### ***Ўзбекистонда ёш физиологияси ва гигиенаси фанининг қисқача ривожланиш тарихи.***

Ёш физиологияси ва гигиенаси фанини урганар эканмиз, бу фаннинг умуман тиббиёт фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган ватайдошларимизни эслашимиз лозим.

X асрнинг иккинчи ярмида Абу Бакр ибн Ахвай Бухорийнинг "Хидоят" (тиббиётни урганувчиларга қўлланма) китобида одам ва болада учрайдиган кўпгина касалликлар ва уларни даволашда қўлланиладиган дорилар ҳақида маълумотлар берилган. Уша даврларда Абу Мансур Бухорийнинг "Оддий дорилар ҳақида катта туплам", Абу Саҳл Масих Журжонийнинг юз бобли "Ал-кимё" китобида тиббиётни урганишда дарслик сифатида кенг қўлланилган.

Энциклопедист олим Абу Райхон Беруний ҳам тиббиёт фанига катта ҳисса қўшган. Унинг "Сайдана" китобида усимлик ва ҳайвон маҳсулотларидан ҳамда минерал моддалардан тайёрланадиган мингдан ортиқ дорилар ҳақида маълумот берилган.

Жаҳон илмий тафаккури ривожига катта ҳисса қўшган буюк аллома Абу Али ибн Сино жуда катта илмий мерос қолдирган. У ўзидан олдин утган

Шарк мутафаккирларининг асарларини чукур урганиш билан бирга, кадимги юнон тиббий-илмий ва фалсафий меросини, хусусан, Аристотель, Эвклит, Птоломей, Гален, Гиппократ, Пифагор кабиларнинг асарларини кунт билан ўрганди. Ибн Синонинг "Китоб ал-конун фиттиб" (Тиб конунлари) китоби бешта катта китобдан иборат бўлиб, 1956 ва 1962 йилларда рус ва узбек тилларида тулик нашр этилган. Бу китобларда одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси каби тиббиётнинг назарий фанларига ҳамда ички касалликлар, жаррохлик, доришунослик, юкумли касалликларга таалукли билимлар баён этилган. Бу китоб 600 йил давомида бутун жаҳондаги шифокорлар учун асосий қўлланма бўлиб келди, ундаги купгина маълумотлар хозир ҳам ўз аҳмиятини саклаб келмоқда. У 36 марта қайта нашр этилган. Ибн Сино турли юкумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишида ифлосланган сув ва хавонинг роли катта эканини уқтириб, сувни кайнатиб ёки филтраб истеъмол қилишни тавсия этган. У ташқи мухитдаги турли табий нарсалар хаво, сув орқали касаллик тарқатувчи кўзга курунмайдиган "майда хайвонлар" яъни микроблар ҳақида Л.Пастердан 800 йил илгар уз фикрини билдирган. У касалликларни олдини олишда ташқи мухитни муҳофаза қилиш, шахсий ва ижтимоий гигиена қоидаларига амал қилиш зарурлиги ҳақдаги фикрларни бундан 1000 йил илгари айтган эди.

XII асрда яшаб ижод қилган Исмоил Журжоний, Нажибуддин Самарқандий, XVI асрда яшаган Султон Али Табиб Хоросоний тиббиёт фанини ривожига катта хиссаларини қўшганлар.

Хозирги даврда ҳам тиббиёт соҳасида купгина таникли олимлар етишиб чиқди. Жумладан, академик А.Ю.Юнусов физиология фанининг ривожланишига салмоқли хисса қўшган.

Айниқса, академик А.Ю.Юнусовнинг ёш физиологиясини урганиш соҳасида олиб борган илмий текшириш ишлари, алоҳида урин тутуди. Ёш физиологияси масалалари Тошкент тиббиёт институтида, Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетида ва Педагогика илмий текшириш институтида ишлаб чиқилмоқда. Профессор Д.Д.Шарипова, Э.С.Махмудов, З.Т.Турсунов, Р.Д.Ахмедов, В.Д.Ходжиматов ва М.Г.Ходжиматов ва М.Г.Мирзакаримова ва уларнинг шогирдлари ёш физиологияси фанини ривожлаштиришда уз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг узининг асосий масалаларидан бири деб соғлом авлодни тарбиялашни белгилаб олди. 2000 йилги соғлом авлод йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган олийжаноб, савобли ишларнинг давоми деб хисобланади. Мустақил Ўзбекистон олдида турган асосий масалалардан бири бу таълим-тарбия тизимини тубдан узгартириб, уни хозирги замон талаби даражасига кутаришдир. Мамлакатимизнинг биринчи ордени "соғлом авлод учун" ордени бўлиб, у 4 март 1999 йилда қабул қилинган. 29 апрель 1993 йилда "соғлом авлод учун" жамгармаси тузилди. 3 декабрь 1993 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 589 қарори билан усиб келаётган авлодни

соғломлаштириш чора тадбирлари хакидаги комплекс дастур қабул килинди. Бу дастурнинг асосий йуналишлари куйидагилардан иборат:

1. Хар бир халк таълими ходими тиббий ва гигиеник билимларга эга бўлиши.
2. Хар бир халк маорифи ходими таълим—тарбиянинг гигиеник нормаларини билишлари.
3. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш.
4. Ёш авлодга гигиеник тарбия бериш.
5. "Соғлом авлод учун" дастурини кенг тарғиб қилиш.

#### ***Мавзу буйича хулоса:***

Ёш физиологияси ва гигиенаси фани талабаларга, бўлажак муаллимларга ривожланаётган организмнинг ўсиш ва ривожлаиши, болаларнинг ёш хусусиятлари, унинг ташқи муҳит билан ўзаро боғликлиги, болаларда учрайдиган турли касалликлар ва уларни олдини олиш йўлларини ўргатишда, билимга эга қилишда катта аҳамиятга эга.

#### ***Текшириш саволлари.***

1. Ёш физиология фани нимани ўрганади?
2. Гигиена фанининг вазифалари нималардан иборат?
3. Ёш физиологияси ва гигиенаси фанини ривожига ҳисса қўшган олимлардан кимларни биласиз?
4. Давлатимиз ёш авлодни тарбиялаш, ҳимоя қилиш йилида қандай ишлар олиб бормоқда?

#### ***Таянч тушунчалар.***

Физиология, гигиена, педагог, соғлом-авлод.

#### ***Адабиётлар.***

1. М.В. Антропова «Болалар ва ўсмирлар гигиенаси» М.Мид. 1982
2. М.Т. Матмешонок «Бошланғич мактаб ўқувчиларининг анатомия, физиология ва гигиенаси» Минск. «Высшая школа» 1968
3. К.С. Содиқов «Ўқувчилар физиологияси ва гигиенаси» Т. «Ўқитувчи» 1992
4. А.Г. Хрипкова, М.В. Антропова, Д.А. Фарбер. «Ёш физиологияси ва гигиенаси» М. Просвещение 1990
5. Соғлом-авлод юртимиз келажаги «Ўқитувчи газетаси» № 48 8.12.1999

## **2-МАВЗУ БОЛАЛАР ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ УМУМИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

### **Режа:**

1. Организм бир бутундир.
2. Ўсиш организмнинг миқдор кўрсаткичи.
3. Ривожланиш организмнинг сифат кўрсаткичи.
4. Ўсиш ва ривожланишнинг умумий қонуниятлари.
5. Акцелерация ўсиш ва ривожланишнинг тезлашуви.

Ўсиб келаётган организмни тугри тарбиялаш учун бола организмини ўсиш ва ривожланиш каби асосий хусусиятларини билиш зарур. Ўсиш ва ривожланиш барча тирик организмлар каби, одам организмга хос хусусиятдир. Организмнинг хар томонлама ўсиш ва ривожланиши унинг пайдо бўлган кунидан бошланади. Бу икки процесс мураккаб жараён хисобланиб, бир бутун ва бир—бирига боғлангандир.

Ўсиш деганда тана хужайраларидаги кўпайиши натижасида тирик организм улчамларининг ортиши, яъни буйнинг чўзилиши, оғирликнинг ортиши тушунилади. Бола маълум ёшгача тухтовсиз, аммо ўсиш даврида айрим тана қисмларининг номуносиб ўсиши (бош, оёқ, ва кул суяклари, курак кафаси ва корин бўшлиги ва ички органлари) ва турли ёшда хар хил жадалликда бўлиши мумкин, шунга карамасдан барча тукима ва хужайраларда яъни органларда ўсиш бир вақтда аёлларда уртача 17-18 ёшгача, йигитларда 19-20 ёшгача тугалланади.

Ўсиш каторида хужайрада уларнинг бажарадиган вазифасининг ортиши жараёни кузатилади. Бу ривожланиш жараёнидир. Ривожланиш деганда усаётган организм тукима хужайраларининг ва органларининг шаклланиши, яъни бола организми хужайраларининг такомиллашиб, усмирлик ва етук ёшдаги одамларга хос бўлган бир мунча мураккаб тукима ва органларга эга бўлишига айтилади. Одам организмнинг ривожланиши умр буйи давом этиб турадиган тухтовсиз жараёндир. Боланинг ривожланиши тухум хужайранинг оталанишидан бошлаб умр охиригача давом этади. Организм жисмонан, аклан ва жинсий ривожланади, яъни, мураккаблашади. Организм ўсиш ва ривожланишида барча этапларни болалик, усмирлик, успиринлик, ёшлик, етуклик даврларини босиб утади. Одам хаётининг хар бир даврида шу даврнинг характерли хусусиятлари, олдинги даврнинг колдиклари, келгуси даврнинг куртаклари пайдо бўлади. Ўсиш бу организмнинг миқдор кўрсаткичи хисобланса, ривожланиш сифат курсаткичи хисобланади. Бу икки жараён нотекистик, узлуксизлик, гетерохроник ва акселерация жараёнлари асосида юзага чиқади.

Одам организми пайдо бўлганидан то вафот этгунга қадар кетма—кет келадиган морфологик, биохимик ва физиологик узгаришларга учрайди. Бу узгаришлар ўсиш ва ривожланиш босқичларини юзага келтирувчи ирсий факторларга боғланган. Бирок, бу ирсии факторларни юзага чиқишида, ёш хусусиятларини шаклланишида таълим, тарбия боланинг овкатланиши,



турмушининг гигиеник шароити, унинг катталар билан мулоқоти, спорт ва меҳнат фаолияти, умуман олганда инсоннинг ижтимоий ҳаёти катта таъсир кўрсатади. Инсон ҳаёти бу узлуксиз ривожланиш жараёнидир. Боланинг дастлабки кадам ташлаши ва ҳаёти давомидаги ҳаракат функциясининг ривожланиши, боланинг биринчи айтган сўзи ва ҳаёти давомида нутқ функциясининг ривожланиши, боланинг ўсмирга айланиши, марказий нерв системасининг ривожланиши, рефлектор фаолиятининг мураккаблашуви. Булар организмда кечадиган, юз берадиган узлуксиз узгаришларнинг бир бўлагидир. Бундай узгаришларни боланинг гавда пропорциясини узгаришида кузатиш ҳам мумкин. Янги тугилган чакалок катта одамдан оёқ-қулларининг калталиги, гавда ва бошининг катталиги билан фаркланади. Бошнинг гавдага бўлган нисбати куйидагича: янги тугилган чакалокларда 1/4, икки ёшда 1/5, 6 ёшда 1/6, 12 ёшда 1/7, катталарда 1/8 га тенг. Одам ёши билан бирга бошнинг ўсиши секинлашади, оёқ—қўлларнинг ўсиши тезлашади. Жинсий балоғатга етгунча киз ва ўғил болалар гавда пропорциясида жинсий тафовут сезилмайди, бироқ, балоғат ёш даври келиши билан жинсий фарқ юзага чиқади, яъни ўғил болаларда оёқ-қўллари узунлашади, гавда калталашади, тази тор бўла бошлайди.

Бола бўйининг узунлиги ва массасининг нотекис ўсиши ва ривожланишини уйдаги мисолларда кўриш мумкин. Бола бўйининг узунлигидаги нотекислик: боланинг бир ёшигача бўйининг узунлиги 25 см. узайиб, 75 смга етади. Ҳаётининг иккинчи йилида атиги 10 смга ўсади. 6—7 ёшгача бўйининг ўсиши янада секинлашади. Бошлангич мактаб ёшида бола бўйи узунлиги 7-10 смга ўсади. Жинсий етилиш муносабати билан кизларда 12 ёшдан, ўғил болаларда 15 ёшдан бошлаб бўйига ўсиш тезлашади. Бўйига ўсиш кизларда 18-19, йигитларда 20 ёшда тўхтайтиди. Бутун ўсиш даврида оёқларнинг узунлиги 5 марта, кул узунлиги 4 баробар, гавда узунлиги 3 баробар, бош баландлиги 2 баробар ортади. Жинсий жихатдан вояга етиш даврида боланинг бўйи 6—8 смдан ўсади.

Тана вазни ёшга қараб куйидагича ўзгаради. Янги туғилган киз болаларнинг ўртача вазни 3,5 кг., ўғил болаларники эса 3,4 кг., бўлади. Боланинг вазни туғилганидан кейинги биринчи ойда 600 г, иккинчи ойда 800 г ортади. Бир яшар боланинг вазни туғилганидаги вазнидан уч марта ортиб 9-10 кгга етади. 2 ёшда боланинг вазнига 2,5-3,5 кг қўшилади. 4, 5, 6 ёшларда бола вазнига ҳар йили 1,5-2 кг қўшилиб боради. 7 ёшдан бошлаб унинг вазни тез ортиб боради. 10 ёшгача ўғил болалар билан киз болалар тана вазни бир хилда ўзгаради: Жинсий етилиш бошланиши билан кизларнинг вазни 4-5 кгдан 14-15 ёшда ҳар йили 5~8 кг ортади. Ўғил болаларда эса 13-14 ёшдан вазни 7—8 кг ортади. 15 ёшдан бошлаб уларнинг вазни кизларнинг вазнидан ортиб кетади.

Аклий ривожланишнинг нотекислигини барча синф ўқувчиларида кўриш мумкин. Бу нотекислик айрим ҳолларда боланинг аклий жихатдан орқада қолиши бўлса, бошқа ҳолда шахснинг нисбатан тез ушиб кетиши сабаб бўлади. Биринчи ҳолда бу хусусиятнинг устунлиги кичик мактаб ёшидаги болаларга хос бўлса, бошқа ҳолда ўқитувчининг дарс бериш

махоратига ҳам боғлиқдир. Иккинчи ҳолатда ўқувчи ўз синфдошларидан ўзиб кетган ҳолда, у мустакил бўлишга ва ўзбилармонликка берилиб ўқитувчига ҳам буйсинмай қолади. Бундай ўқувчилар ўқитувчига нисбатан тенглашишга ҳаракат қилиб, ўз синфдошларига ҳурматсизлик билан қараб ҳаёт тажрибасидан орқада қолади. Шунинг учун болаларни нисбатан ўзиб кетишига нисбий муносибатда бўлиш керак бўлади. Болаларни индивидуал ўсиш ва ривожланишини эътиборга олмасдан туриб таълим—тарбия ишларини амалга ошириш мумкин эмас. Болаларнинг ёшларига нисбатан аклий камол топиши уларнинг шахсий қобилиятига ва атроф муҳит шароитига ҳам боғлиқдир. Уларнинг аклий ва психологик ривожланиши болаларни ураб турган муҳитга ва ўқув~тарбиявий ишларга ҳам боғлиқдир. Шунинг эътиборига, болаларнинг нисбатан бир неча йил бир хил шароитда яшаши уларнинг шахсий ўсиш темпига таъсир этади. Шу билан бирга кичик мактаб ёшидаги болалар орасида ўта қобилиятлилари ҳам учраб туради. Буларни вундеркиндрлар (немис тилида сеҳрли болалар) дейилади. Кўпгина атоқли одамларнинг ёшлигиданоқ катта қобилиятга эга бўлганликлари бизга маълум. Жумладан, буюк алломаларимиздан Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий ва Абу Али ибн Синоларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Абў Али ибн Сино 16-17 ёшидаёқ машҳур табиб-ҳаким бўлиб танилган. Дунёнинг биринчи вундеркинди деб италия ёзувчиси Торквато Тассо эълон қилинган. У 13 ёшида Болон университети талабаси бўлган. Виктор Гюго эса Франция Академиясининг рағбатномасини олган. Яна буюк композитор Моцартни мисол қилишимиз мумкин. У 4 ёшида мусика ёзган. Бундай мисолларни тарихда кўп келтиришимиз мумкин. Ҳозирги даврда бундай болаларга давлатимизда катта эътибор берилмоқда. Улар учун махсус лицей ва гимназиялар ташкил этилган.

Болаларнинг жисмоний ва аклий жихатдан ўсиши ва ривожланишида, юқорида айтиб ўтилганидек, турмуш шароити, мактабдаги меҳнат фаолияти, жисмоний машқлар, касалликлар билан оғригани муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, об—ҳаво шароити, иқлим шароити, куёш радиацияси ҳам уларнинг ўсиши ва ривожланишига катта таъсир қурсатади. Болалар ёз фаслида (июль~август) хусусан тез усади. Агар бола кичиклигидан мунтазам равишда жисмоний машқлар ва спорт билан шугулланса у соғ—саломат усади, унинг органлари уйғун ривожланади. (м-н. бола нафас органларининг такомиллашуви юрак—қон томир тизимининг ривожланишига ижобий таъсир қурсатади.

### ***Акселерация.***

XIX аср охири XX аср бошларида кўп мамлакатларда болаларнинг бўйига ўсишини тезлашганлиги аниқланган. Бу ҳақдаги маълумотлар 1876 йилда матбуотда эълон қилинган. 1935 йилга келиб немис олими Е.КОХ ўсиш ва ривожланишдаги содир бўлаётган тезлашувни акселерация деб атаган. Акселерация — латинча суз бўлиб тезлашув деган маънони билдиради. Акселерация ёш авлоднинг руҳан ва жисмонан тез ўсишидир.

Акселерация 100 йил, яъни бир аср ичида яққрл кўзга ташланганлиги учун, акселерация кенг маънода "секулярний тренд" яъни асрий тенденция дейиладиган бўлди. Сунгги 100 йил ичида янги туғилган чакалоқларнинг буйи 5~6 смга, кичик ва урта мактаб ёшидаги болаларнинг буйи 10~15 смга, вазни эса 8-10 кгга ортди. Бундан ташқари акселерация катта одамлар тана улчамларининг ортишини, одам умрининг узайишини, хайз кечроқ тугагини, рухий функциялар ва одам ривожланишидаги бошқа узгаришларни уз ичига олади.

Акселерация масаласи кўпгина дунё олимларини кизиктириб келган. Улар акселерацияга олиб келувчи бир нечта омилларни курсатиб берувчи ўз гипотезаларини яратганлар. Жумладан, баъзи олимлар ультрабинафша нурларнинг кучли таъсири болаларнинг тез ўсишига сабаб бўлмоқда, десалар бошқалари эса магнит тўлкинларининг ички секреция безларига таъсирини айтадилар. Яна бирлари буни космик нурларга боғлайдилар. Оксиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар ва витаминларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, фан ва техниканинг олга силжиши, таълим—тарбия жараёнида янги шакл ва усулларнинг пайдо бўлиши, спорт ва жисмоний меҳнат билан шуғулланиш, генетик омилларни хам мисол қилиб келтирадилар. Бу омилларни биологик ва ижтимоий омиллар деб аташимиз мумкин. Демак, ўсиш ва ривожланиш мураккаб процесс бўлиб, ундаги яширин миқдор узгаришлари очикдан~очик сифат узгаришлари ва кўринишларига олиб келади. М—н. бола балоғатга ета бошлаши билан, атроф муҳитга, борликка, ундаги узгаришларга кизикиш билан эътибор бериши, айникса ясли ва мактабгача ёшдаги болаларда суз бойлигини ортишини кузатиш мумкин.

Мамлакатимизда мустакилликка эришганимиздан сунг, болаларнинг индивидуал ўсиш ва ривожланишига катта эътибор берилмоқда, чунки болалар саломатлигини саклаш давлат ахамиятига эга бўлган биринчи даражали ишлардан хисобланади.

Ёш даврлари одам ёшини даврларга ажратилишига асосий сабабининг пойдеворида барча орган ва системаларнинг анатомио-физиологик хусусиятлари ва ижтимоий критериялар, яъни боланинг ясли, боғча ва мактабдаги тарбияланиш шароити ётади. Масалан, яслида тарбияланса, ясли ёши, боғчада боғча ёши, мактабда таълим олса мактаб ёш даврлари деб аталди. Фанда рус гигиенисти Н.П.Гундобин гузиб берган ёшлик даврлари схемаси кулланилади. У одамнинг ёшлик йилларини куйидаги даврларга бирлаштирган. Ҳар бир давр ўз ичига бир неча йилларни камраб олади ва хар бир даврда ўзига хос жараёнлар содир бўлади.

1. Она корнидаги ривожланиш даври. Хомила хар томонлама она, организмга боғлиқ бўлади.

2. Янги туғилган чакалоқлик даври. 1кундан — 10 кунгача (киндик тушгунча). Бу даврда бола янги хаётга мослаша бошлайди. Нафас олиш, кон айланиш, овқат хазм қилиш, анализаторлар системаси мустакил ишлай бошлайди.

3. Кукрак ёш даври. 1 ёшгача. Бу давр бола хаётидаги катта ахамиятга

эга бўлган давр хисобланади. Бу даврда боланинг буйига ўсиши 1,5 марта, оғирлиги 3 мартага ошади, нутк пайдо бўлади. Баъзи системаларнинг функционал жихатдан мустахкам булмаслиги, жумладан овкат хазм қилиш ва нафас олиш, бу ёшдаги болалар орасида ошқозон—ичак касалликлари ва нафас олиш органларининг касалликларининг тарқалишига олиб келади.

4. Ясли даври (1-3 ёшгача). Тананинг буйига ўсиши, оғирлигининг ортиши анча сусаяди. Суз бойлиги ортади, узлигининг тананидиги, таклидчанлиги ортади.

5. Богча ёш даври (3-6, 7 ёшгача). Бу даврда хотира фикрлаш, тасаввур қилиш процесслари ривожланади, интизом пайдо бўлади.

6. Кичик мактаб ёш даври, (7—12 ёш). Скелетнинг суякклашуви давом этади, тана пропорцияси узгаради, бош мия катта ярим шарлари роли жинсий безларнинг гормонал таъсири орта боради.

7. Урта мактаб ёш даври (12-15 ёш). Бу даврда иккиламчи жиисий белгилар пайдо бўлади тормозланиш ва кўзғалиш процесслари мувозанатлашади, умумлаштириш процесслари ортади.

8. Катта мактаб ёш даври ёки балоғат ёш даври. Қизлар учун 15—18, уғил болалар учун 15—20 ёш. Бу даврда жинсий безлар кучайган булади, иккинчи даражали жинсий белгилар ривожланади, тананинг буйига ўсиши ва оғирлигининг ортиши тезлашади. Барча орган ва системаларнинг функцияси такомиллашади. Боланинг рухий ҳолати узгаради.

9. Етуқлик даврининг Биринчи босқичи. Аёллар 18-35, йигитлар 20-35 ёш.

10. Етуқлик даврининг иккинчи босқичи аёллар 35—55 ёш, эркеклар 35—60 ёш.

11. Кексалик даври аёллар 55—74, эркеклар 60—74 ёш.

12. Қарилик даври 75—90 ёш (аёллар ва эркеклар).

13. Узок яшовчилар даври. 90 ёшдан ва ундан юқори.

Бу ёшлик давлари схемаси 1965 йилда Москвада ёш давларига бағашланган илмий кенгашда қабул қилинган.

### ***Мавзу буйича хулоса:***

Ўсиб келаётган организмни тугри тарбиялаш учун бола организмни ўсиш ва ривожланиш каби асосий хусусиятларини билиш зарур. Ўсиш ва ривожланиш барча тирик организмлар каби, одам организмга хос хусусиятдир. Организмнинг хар томонлама ўсиш ва ривожланиши унинг пайдо бўлган кунидан бошланади. Бу икки процесс мураккаб жараён хисобланиб, бир бутун ва бир—бирига боғлангандир

### ***Тегишириш саволлари:***

1. Ўсиш нима?
2. Ривожланиш деганда нимани тушунаси?
3. Ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари асосида юзага чиқади?

4. Акселерация кандай жараён? Унинг юзага чикиш сабаблари нималардан иборат?
5. Одамнинг- ёшлик йилларн кандай дзврларга ожратилади?

### ***Таянч тушунчалар***

Ўсиш.ривожланиш.гетерохронии.акселерация

### ***Адабиётлар:***

1. Галперин С.Н. "Анатомия и физиология" М."Просвещение"2000
2. Маркосян А.А. "Нш физиологияси масалалари " Т.Уқитувчи. 2001.
3. Содиков К.С. "Укувчилар физиологияси ва гигиенаси" Т. Укитувчи. 2002.

### ***Кушимча адабиётлар:***

1. Хрипкова А.Г. , Антропова М.В.Адаптация организма учащихся к учебной и физической нагрузкам.- М.; Просвещение,2002.
2. Хрипкова А.С., Половое воспитание . - М.; Просвещение,2000.
3. Маркосян А.А. К вопросу о возрастной физиологии.-М.: 2001
4. Шарипова Д.Д. Школьникам о здоровье.2003.
5. Сухомлинский В.А. О воспитании.- М.:2000.
6. Адаптация организма учащихся к учебной и физическим нагрузкам Под ред. Хрипковой А.Г.,Антороповой М.В.- М.Педагогика.2001.
7. Леонтьева Н.Н.,Маринова К.В. Анатомия и физиология детского организма.М.,Просвещение.,1999.
8. Физиология развития ребенка./ под ред. В.И.Козлова./,М.Педагогика. 1999.
9. Созревание основных физиологических систем организма детей. Под ред. М.М.Кольцовой.М.- 2000.
- 10.Нормализация учебной нагрузки школьников. Под.ред. В.И Козлова. М. 2001.
12. Н.Пронина, В.В.Лукашевич. « Психология и педагогика».Учебник для студентов ВУЗов. Издательство «Элит»,Москва 2004.
13. Педагогика профессионального образования. Под ред. В.А.Сластени- на.Москва. «Академіа».

[www.search.re.uz](http://www.search.re.uz) - система поиска информации Узбекистана.

[www.ictcouncil.gov.ru](http://www.ictcouncil.gov.ru) - сайт Координационного совета Кабинета Министров по развитию компьютеризации.

[www.escoman.edu.ru](http://www.escoman.edu.ru) - учебно - методический комплекс по предмета высших учебных заведений

### 3-МАЪРУЗА

## МАВЗУ: *НЕРВ СИСТЕМАСИННИНГ ФИЗИОЛОГИЯСИ, ВА УНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ*

#### Режа:

1. Нерв системасининг умумий тузилиши.
2. Нерв толасининг хусусиятлари.
3. Нерв марказлари хақида тушунча ва уларнинг физиологик хусусиятлари.
4. Нерв тизими турли бўлимларининг тузилиши.
5. Бош мия катта ярим шарлари пўстлоғини текшириш усуллари.
6. Шартли ва шартсиз рефлекслар.
7. Шартли рефлекс турлари.
8. Шартли рефлексларнинг тормозланиши.

Нерв системасининг функцияси икки қисмга бўлиб ўрганилади. Нерв системасининг биринчи функцияси одам организмнинг барча, хужайра, тўкима, органлари ва системаларининг ишини бошқариш, тартибга солиш, ташқи мухитдан, ички органларда келадиган ахборотларни қабул қилиш ва уларни марказий нерв системасига етказиб бериш, организмдаги барча органларни бир-бири билан боғлаш ва организмнинг бир-бутунлигини таъминлаш, ички секреция безларида ишлаб чиқариладиган турли гормонларнинг кон орқали организмга кўрсатадиган таъсирини, моддалар алмашинувини бошқариш, ўсиш ва ривожланишга таъсир этишдан иборат. И.П. Павлов нерв тизимининг бу вазифасини унинг қуйи функцияси деб атаган. Бу вазифани орқа ва бош миянинг қуйи қисмлари (узунчок урта, оралик мия ва миячада жойлашган нерв марказлари бажаради.

Нерв тизимининг иккинчи вазифаси шундан иборатки, у одамнинг ташқи мухит ва атрофдаги бошқа одамлар билан боғланишини, муомаласини ташқи мухит шароитига мослашувини таъминлайди. Ташқи мухит таъсирида, атрофдаги бошқа одамлар билан муносабати натижасида одамда пайдо бўлган фикрлаш, баён этиш, билим олиш, хунар ўрганиш, хотира каби юксак инсоний хусусиятлар ҳам нерв тизимининг ана шу иккинчи вазифасига киради. И.П. Павлов нерв тизимининг бу вазифасини олий нерв фаолияти деб атаган. Нерв тизимининг бу вазифасини унинг юқори қисмида жойлашган (бош мия ярим шарлари ва унинг пўстлок қисми) нерв марказлари бажаради.

Нерв тизими икки қисмдан иборат: марказий ва периферик нерв тизими. Марказий нерв тизимига бош ва орқа мия киради. Марказий нерв тизимининг сегментар, яъни қуйи қисмига орқа мия ва бош миянинг пастки қисмлари, яъни узунчок мия, Варолий куприги, ўрта ва аралаш мия ҳамда мияча киради. Марказий нерв системасининг юқори, яъни сегмент уст қисмига бош мия ярим шарлари ва уларнинг пўстлоқ қисми киради. Марказий нерв тизимида нерв хужайралари (нейрон таналарининг) марказлари бор. Периферик нерв тизимига орқа миядан чиқадиган 31 жуфт сезувчи, харакатлантирувчи нерв толалари, бош миядаи чиқадиган 12 жуфт нервлар. Ҳамда умуртка поғонаси атрофида ва ички органларда жойлашган

нерв тугунчалари киради. Нерв тизимининг периферик кисми асосан нервлардан, яъни толалар боғлампдан иборат .

БажарадигаН вазифасига кўра, нерв системаси икки кисмга бўлинади: соматик ва вегетатив нерв тизими. Соматик нерв тизими одам танасининг сезги органлари, скелет мускуллари ишини бошкаради. Вегетатив нерв тизими ички органлар (нафас олиш, кон айланиш, овкат хазм қилиш, айириш ва ошкозон хамда ички секреция безлари ишини бошкаради .

Нерв тизимини нерв хўжайралари ва нерв толалари ташкил килади. Нерв хужайраларига нейрон деб аталади. Нейронлар катта кичиклиги ва шакли жихатидан хар хил бўлади. Хар бир нейроннинг танасида бир талай калта, шохланган усимталар-дендритлар ва битта шохланмаган узун усимта - аксон бор. Нерв хужайраларининг таналари ва уларнинг дендритлари тўпланиб, кул ранг моддани хосил килади. Миянинг ок моддаси эса миелин пардаси билан копланган нерв толалари (аксонлар) дан ташкил топган бўлади. Нейронлар ташқи томондан парда—мембрана билан копланган.

### ***Нерв толасининг хусусиятлари.***

Нерв толасининг асосий хусусияти кўзғлувчанлик ва утказувчанликдан иборат. Кўзгалувчанлик организмнинг ташқи мухитдан хам, ички мухитдан хам келадиган хар хил таъсуротларга жавоб бера олиш кобилиятидир. Ўтказувчанлик кўзғлувчанликни ўтказа олиш хусусиятидир. Таъсурот берилгандан кейин нерв тизимида физиологик процесс руй беради, бу ходиса кўзғалиш деб аталади. Бу кўзғалиш нерв буйлаб ўтказилади. Кўзгалувчанлик барча тўкималарга хос хусусиятдир. Тукимани кўзғтиш учун маълум кучдаги таъсирловчи бўлиши керак, шундагина тўкимада модда алмашинуви, вужудга келиб, тирик организм таъсиротга кўзғалиш билан жавоб беради. Мускул тукимаси кўзғалса кискариш билан без тўкимаси кўзғалса, секрет ёки шира ажралиши билан жавоб беради. Тўкиманинг кўзғатувчи таъсирловчилари ўз хусусиятига караб физикавий, кимёвий, электрик, биологик ва бошка турларга бўлинади.

Таъсирловчи келиб чикишига, орган, тукимага таъсирига кура адекват ва ноадекват таъсирловчиларга бўлинади. Муайян тукима, хужайра ва орган учун хос бўлган таъсирловчи адекват таъсирловчи деб аталади. М-н. кўзнинг адекват таъсирловчиси ёруглик, мускулники нерв толасидан келадиган импульс хисобланади. Муайян тўкима, хужайра ва орган учун хос бўлмаган таъсирловчилар ноадекват таъсирловчи деб аталади. Масалан. мускул тўкимаси нерв толасидан келаётган импульсдан ташкари, электр токи, туз, кислота таъсирида хам қискариши мумкин. Булар ноадекват таъсирловчилардир.

### ***Нерв марказлари хакида тушунча ва уларнинг физиологик хусусиятлари.***

Нерв марказида маълум рефлекс амалга ошишида ёки бирор вазифани бажарилишида бир гурух нейронлар иштирок этади. Бир гурух нейронларнинг функционал бирикмаси нерв маркази деб аталади.

Нутк функцияси, лаблар, хикилдок, харакат мускулларининг нерв

марказлари узунчок мия, ўрта ва бош мия катта ярим шарлари пўстлогиди, сўзлар маъноси тушуниладиган нерв маркази бош мия катта ярим шарларининг чакка қисмида жойлашган. Нерв марказлари кўзғалиш, тормозланиш, трансформация, майинлик, кислород танқислигига чидамсизлик, доминанта ва бошқа физиологик хусусиятларга эга. Нерв хужайралари ташки ва ички муҳит омиллари таъсирида тинчлик ҳолатидан актив ҳолатга ўтиш хусусиятига эга. Нерв хужайраларининг муҳим хусусиятларидан бири кўзғалишдир. Кузғалиш туфайли таъсирга тезда жавоб реакцияси пайдо бўлади. Кузғалиш вақтида тўқимада функционал, физик-кимёвий ҳодисалар содир бўлади. Нерв системасининг ҳар бир соҳаси ташқаридан бўлган таъсирга кузғалиш ёки тормозланиш билан жавоб қайтаради. Нерв системасида кўзғалиш жараёни тормозланиш жараёни билан алмашиб туради, яъни кўзғалиш тормозланишга, тормозланиш эса кўзғалишга утиб туради. Кузғалишнинг нерв системаси марказларида тарқалиши иррадиация дейилади. Марказий нерв системасида бир гуруҳ нейронлар ёки айрим нерв марказлари кўзғалганда, иккинчи нерв марказлари тормозланган ҳолда бўлади. Бир гуруҳ мускулларнинг нерв маркази кўзғалиб, шу мускулларни қисқартирса, айна вақтда иккинчи гуруҳ мускулларнинг нерв марказлари томрозланади. Масалан, кўл панжасини мушт қилганда елка олдининг олдинги мускуллари қисқаради, айна вақтда елка олдининг орқа томонидаги мускуллар бўшашади, яъни буқувчи мускулларнинг нерв марказлари кўзғалиб, ёзувчи мускулларнинг нерв марказлари тормозланади. Нерв тизимидаги кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг бу ҳилдаги ўзаро таъсири уйғунлик деб аталади. Чап оёқни букканда ўнг оёқнинг тизза бўғими ёзилади ва аксинча.

Нерв марказларидаги яна бир хусусият доминанта хусусияти бўлиб, буни биринчи бўлиб 1923 йилда А.А. Ухтомский ҳисобланган. Муайян вақтда нерв марказларида устун турган кўзғалиш ўчоғини А.А. Ухтомский доминанта деб атаган. Устун турган кўзғалиш ўчоғи бошқа марказларга келувчи кўзғалиш тўлкинларини ўзига жалб қилиб, шулар ҳисобига кучая олади. Бу пайтда бошқа марказларда тормозланиш процесси 7бошланади. Доминантанинг вужудган келишидаги муҳим шартлардан бири нерв хужайраларининг ута кўзғалувчанлигидир. Доминанта узок муддат сакланиб туриши мумкин. Доминанта олий нерв фаолиятига, одамнинг руҳиятига боғлиқ бўлади. Доминанта принципи диккат активлигининг физиологик асосидир. Шунинг учун доминанта педагогика ва психологияда жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўқитувчилар ўқувчиларга таълим-тарбия беришда буни ҳисобга олиши керак.

Бола туғилгандан кейин марказий нерв системаси ташки муҳит таъсири ва ҳулк—атвор, нутқ туфайли ривожланиб боради. Янги туғилган ва кичик боғча ёшидаги болаларнинг нерв системасида кўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнидан устун туради. Харакат марказлари орқа ва бош мияда тез кўзғалиш хусусиятига эга, шу сабабли бу ёшдаги болалар серхаракат ва ҳис—ҳаяжонга тўла бўлади. Боғча ёшидаги болаларда кўзғалиш марказлари тез алмашиб туради. Шунинг учун бу ёшдаги



болаларнинг харакати ва диккати бекарор бўлади ва узок давом этамайди. Болаларнинг ёши орта борар экан, доминанта марказларида вужудга келган кўзғалиш баркарор бўлиб, узлуксиз кўзғалиб туради, ҳамда таъсирлар йиғиндиси ортиб боради. Янги туғилган болада овкатга доминанта пайдо бўлади. Доминанта марказлари тургун бўлмайди.

**Нерв тизими турли бўлимларининг тузилиши ва ривожланиши:** ОРҚА МИЯ. Орка мия умуртка каналида биринчи бўйин умурткаси билан II бел умурткаси оралиғида жойлашган бўлиб, катта одамда вазни 30—40 г, узунлиги 45 смга тенг. Янги туғилган болада 6—10 г, узунлиги —15 см. Нерв хужайралари орка миянинг кулранг, нерв толалари эса ок моддасини хосил килади. Орка миянинг кундаланг кесигида кулранг модда капалак шаклида жойлашади, атрофида ок модда бўлади. Кулранг модданинг олдинги, ен ва орка шохлари бор. Олдинги шохда харакат нейронлари жойлашган, бу ердан харакат нервлари чикади. Оркадаги шохда сезувчи нейронлар бўлади, уларга сезувчи, яъни марказга интилувчи нервлар киради. Орка мияда бўйин, кўкрак, бел, думгаза сегментлари жойлашган. Орка миянинг хар бир сегменти бир жуфтдан 31 жуфт нерв толаси чиқади. Улар гавда, кўл, оёк мускуллари ва терини нерв билан таминлайди. Орка мия уч кават парда билан копланган.

Орка мия реффлектор ва ўтказувчи вазифасини бажаради. Орка мия скелет мускулларининг харакат рефлексини амалга оширади. Орка миянинг харакат рефлекслари: тирсак, тизза, панжа рефлекслари мисол бўлади. Оркамиянинг утказувчанлик вазифаси ундаги кутарилувчи ва тушувчи утказувчи йўллар оркали амалга ошади.

Орка миядаги баъзи реффлектор функциялар хомиланинг она корнида ривожланаётганида юзага келади. Хомила 2—3 ойлик бўлганида харакатлана бошлайди. Янги туғилган бола оёк панжасининг таги таъсирланса 2-3 минутдан сунг оёк панжасида букиш рефлекси хосил бўлади. Бу рефлекс бола тугилгандан сунг 6 ой утгач йуколиб кетади.

Бола 9—10 ойлигада юра бошлайди. Орка миядаги харакат марказлари иши ортади, нервлар миенлашиши 3 ёшгача давом этади.

Янги тугилган бола бош миясининг вазни 340~400 г бўлиб тана вазнининг 1,8- 1,9 кисмини ташкил этади. 1 ёшда бош мия вазни 800 г, 7 ёшда 1250 г, 15 ёшда 1350г, 18 ёшда 1380 г, катта одамларда 1400 г бўлиб, тана вазнининг 1\40 кисмини ташкил этади. Боланинг бош мияси 7 ёшгача тез усади, 20-30 ёшларга бориб тухтайди. Бош мия хам ок ва кулранг моддалардан ташкил топган. Кулраиг моддаси турли нейронлардан иборат. Бош мияда 14 млрд. нерв хужайраси бор. Бундан ташкари, бош миянинг 60—90%ни нейроглия хужайралари ташкил этади. Нейроглия хужайралари химоя килувчи ва тутиб турувчи таянч тукима хисобланади. Бош мия узунчок; мия, Варолий куприги, мияча, урта мия, оралик миядан иборат бўлиб бу кисмлар бош мия сопи деб алади. Уларни бош мия катта ярим шарлари ураб туради.

**УЗУНЧОК МИЯ.** Узунчок мия орка миянинг давоми бўлиб, узунлиги 3—3,5 см. узнчок мия ва Варолий куприги реффлектор ва утказиш вазифасини амалга оширади. Узунчок мияда нафас олиш, кон томирлари девори

харакатининг нерв маркази, усиш, ютиш, тер ажратиш, сулак ажратиш, куз ёши ажратиш, ковокларни юмиш, акса уриш, йуталиш нерв марказлари бор. Хомила 16—17 хафталик бўлганда узунчок мияда нафас олиш нерв маркази шаклланади. Янги туғилган болада нафас, химоя рефлекслари (акса уриш, йутал ва бошқалар ривожланган бўлади). Унда суриш, ютиш каби овкатланишга бўлган шартсиз рефлекслар яхшигина ривожланади.

**Миячанинг вазифалари.** Мияча иккита ярим шардан иборат бўлиб, мускулларнинг уйгун кискаришида ва харакатларида, бир группа мускулларнинг тегишлича таранг туришини саклашда иштирок этади. Миячанинг фаолияти издан чикса одам уйгун харакат кила олмай қолади. Янги туғилган бола миячасининг вазни 20,5-23 г бўлади.

**Ўрта мия.** Урта мия 4 тепалик пластинкаси ва мия оёқчаларидан ташкил топган. Бундан ташқари куз соккасини харакатга келтирувчи 4 жуфт галтаксимон нервнинг ядролари бор. Ўрта мия ядролари фаолиятига кура сезувчи ва харакат ядроларига бўлинади. Харакат ядролари организмда мускуллар тонусига бевосита таъсир этади. Сезувчи ядролар эшитиш ва куришда иштирок этади. Урта мияси шикастланган одамда мускуллар тонуси сакланиб қолгани холда тугриловчи рефлекслар бузилади. Чунки бош мия мускуллар тонусини бошқариб туради. Урта мия иштирокида ҳосил бўладиган рефлекслар она қорнида хомилада шаиллана бошлайди. Янги туғилган болада куз қорачиги рефлекси яхши ривожланган бўлади. Боланинг ёши ортиши билан танани маконда тутиб туриш рефлекси ҳам яхши ривожланиб боради. Янги филган болада урта миянинг вазии 2,5 г .

**Оралик мия.** Оралик, мия урта миянинг юкорисида жойлашган. Оралик мияга—куриш буртик қисми ва тиззасимон тана қиради. Бурти ости қисми функционал жихатдан оксил, ёғ; туз ва сув алмашинуви бошқарилишига боғлиқ. У ердаги нерв марказлари тер ажралиши, иссиқликни бошқариш ва углеводлар алмашинувида таъсир этади. Янги туғилган болада таъм билиш, хид билиш, харорат ва оғрик таъсиротларига, аччик, нордон, шўр, ширинликка реакциялар вужудга келади; Кўриш буртиқлари шикастланганда кўз бутунлай ёки қисман кўрмайди, бош оғрийди, фалажлик содир бўлади уйку бузилади. **Вегетатив нерв системаси.**

Вегетатив нерв тизими ички органлар, қон томирлари, юрак мускули, терининг силлик мускуллари ва безларни нерв билан таъминлайди. Бу нерв тизими симпатик ва парасимпатик қисмларга бўлинади. Симпатик ва парасимпатик нерв тизими органлар фаолиятига қарама—қарши таъсир курсатади. Масалан, симпатик нерв тизими таъсирланганда юракнинг қисқаришлари сони ва қучи ортади, қон томирлари тораяди, меъда—ичак йўлининг харакат функциялари сусаяди, кўз қорачиги кенгаяди, моддалар алмашинуви тезлашади. Парасимпатик нерв тизими таъсирланганда эса юракнинг фаолияти сусаяди, баъзи қон томирлари кенгаяди, меъда-ичак йўлининг харакат функциялари ортади, куз қорачиги тораяди . Вегаатив нерв тизими ишини бош миянинг турли сохалари ва бош мия қатта ярим шарлари пўстлоғи бошқаради. Вегаатив нерв тизими ишининг ривожланиши

харакатларнинг ривожланишига боғлиқ, чунки скелет мускулларининг кискариши рефлекс равишда юрак фаоллашишига, овқат хазим қилишига, нафас олишга, сийдик ажралишига, кон босими ортишига сабаб бўлади. Фавкулудда шароитда вегетатив нерв тизими ташки таъсирларга жавоб бериб, айникса турли эмоционал реакцияларда қон айланиши, нафас олиш, хазм қилиш, айириш, ички секреция органларининг функционал ҳолатини узгартириш хусусиятига эга. Вегетатив нерв тизимининг организм ички мухити тургунлигини сақлашдаги роли жуда муҳимдир. Симпатик нерв тизими марказлари орқа миянинг кўкрак ва бел бўлимларида, парасимпатик нерв тизимининг марказлари урта мияда, бош миянинг узунчок бўлимларида ва орқа миянинг думғаза бўлимида бўлади.

**Лимб системаси.** Лимб тизими зиммасига гипокамп, бел пуштаси, гипоталамуснинг мамилляр танаси, тўсини, бодомсимон ядролар киради. Лимб тизимининг бажарадиган вазифаси жуда мураккаб ва турли— тумандир. У одамнинг ташқи мухит ўзгаришларига мослашувини таъминлашда, хулқ-атвор, хис—хаяжон, хотиранинг шакилланишида, овқат ейиш, суюклик ичиш, авлодни давом эттириш, ўз—ўзини химоя қилиш сингари хаётий муҳим эҳтиёжларни кондиришга хос майл-истаклар шаклланади. Лимб тизими ўқитиш жараёида бевосита иштирок этади, чунки у идрок қилишни, хотира ва диққатни таъминлайди.

**Ретикуляр формация ва унинг ахамияти.** Ретикуля формация йирик нерв хужайралари чигали ва туридан иборат бўлиб, жуда кўп синапсларга эга. Ретикуляр формация хужайралари орқа мия бўйин қисмининг кон ва орқа шохлари орасидан бошланиб, узунчок мия ва Варолий кўпригида купаяди. Ретикуляр формация ухлаш, уйғониш ва бошқа хис—хаяжонли жараёнларда иштирок этади. Унда нафас олиш, юрак ўриши, овқат хазм қилиш, йўтал, ақса уриш, вестибуляр ва эшитиш нерв марказлари бўлиб, бутун ички органлар ишини бошқаради.

Бош мия калла ярим шарлари. Бош мия катта ярим шарлари иккита ярим шарлардан иборат бўлиб, бош миянинг энг ривожланган қисмидир. Иккита ярим шар ўзаро кадоқсимон тана ёрдамида бирикади. Ярим шарларнинг юзасида жуда куп пушталар ва эгатчалар бор. Мия ярим шарлари катта эгатчаларининг пешона, тепа, энса ва оролча каби бўлаклари бор. Мия ярим шарлари муҳим эгатчаларидан бири Сильвиев эгатчаси, иккинчиси Роланд, яъни марказий эгатча ҳисобланади. Мия ярим шарларида қуриш, эшитиш, тери, сезиш, хид билиш ва таъм билиш, нуткни эшитиш, Нутк характери ва нутк—кўриш анализаторларининг охириги нерв марказлари, марказга интилувчи ҳаракат нервлари марказлари жойлашган. Бош миянинг эгат ва пушталари бир вақтда ривожланмайди. Бола туғилгандан кейин ярим шарларнинг эгат ва пушталари катталарниқига Ухшасада, чуқ.ур бўлмайди. Бола туғилгандан сўнг пешона бўлаги катталашади. Бола хаёти давомида мия ярим шарларининг массаси ва сатҳи бош мияга нисбатан ўзгариб боради. Бош мия катта ярим шарларининг вазни одам бош мияси

вазнинг 78—80% Ташкил қилади. У икки каватдан иборат: 1) кулранг моддадан ташкил топган ташк;и пўстлок кават; 2) ок моддадан ташкил топган ички кават.

Бош мия ярим шарлари пўстлок қават калинлиги 4—4,5 мм, юзаси 220000 кв. мм. Бош мия ярим шарлар пўстлоғи филогенезда энг сўнгги, демак энг ёш мия бўлакларидан хисобланиб сут эмизувчиларда, айникса одамларда жуда яхши ривожланган бўлади. Мия пўстлоғи микроскопда текширилганда ундаги нерв хужайралари олти кават бўлиб жойлашганлиги аниқланган: 1—каватда нерв хужайраларининг калта ўсимталари; 2—каватда донасимон нерв хужайрали жойлашган; 3—каватда пирамидасимон хужайралар бўлади; 4—каватда юлдузсимон тузилган нерв хужайралари; 5—каватда йирик пирамидасимон хужайралари; 6—каватда дуксимон нерв хужайралари жойлашган. Мия пўстлошинг турли қисмларида жойлашган нерв хужайраларининг функциясига кўра пўстлок сатхи учта зонага бўлинади: сезиш, ҳаракат ва ассоциатив зоналар. Сезиш зоналарида жойлашган нерв хужайралари туплами одам танасининг барча сезиш органларининг олий маркази хисобланиб, бўлар тери, кўриш, эшитиш, хид ва таъм билиш каби сезиш органларининг рецепторларидан импульсларни қабул қилади. Мия пўстлогининг ҳаракат зоналаридаги нерв хужайралари тўплами мускуллар, пайлар, бўғимлар, суякларнинг рецепторларидан импульс қабул қилиб, ҳаракатни бошқарувчи олий нерв маркази вазифасини бажаради Ассоциатив зоналар сезиш ва ҳаракатланиш органларидан келган таъсирни анализ ва синтез қилади. Бош мия ярим шарлари пўстлок қисми одам олий нерв фаолиятининг физиологик асоси, психик фаолиятимизнинг моддий негизидир. Одамнинг фикрлаш, онг, ушлаштириш, эслаб қолиш, муомаласи, маданияти, билим олиш, хунар ўрганиш, мураккаб ҳаракатларни бажариш қобилиятй мия пўстлоғи фаолиятидир.

Мия пўстлогининг турли қисмларида ҳар хил функцияларни бошқарувчи нерв марказлари жойлашган. пўстлокнинг энса қисмида қуриш, чаккада эшитиш, пешанада ичкари соҳасида хид сезиш, тепа қисмида ҳаракат марказлари жойлашган. Яъни, шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир орган иш фаолиятининг муҳимлигига қараб унинг марказининг мия пўстлоғида эгаллаган урни ҳар хил бўлади. Масалан кўл панжаси одамнинг кундалик ҳаётида жуда кўп вазифани бажаради, шунинг учун унинг ҳаракатини бошқарувчи нерв маркази бошқа ҳаракат марказларининг мия пўстлоғидаги эгаллаган ўрнига нисбатан каттадир. Буядан ташқари, ярим шарлар пўстлоғидаги нерв хужайраларини орқа мия билан туташтирувчи нерв йўллари бош миянинг қуйи қисмида кесишади. Бунинг натижасида чап ярим шарлардаги нерв марказлари одам танасининг ўнг томонидаги, ўнг ярим

шардаги нерв марказлари тананинг чап томонидаги тўқима ва органлар ишини боци^аради. Шундай қилиб, бош мия ярим шарларининг пусглоқ қисмида жойлашган олий нерв марказлари одам танасининг барча тўқима ва органлари ишини бошқаради.

Бош мия ярим шарлари пўстлогининг вазифалари куйидаги усулларда текширилади: 1) шартли рефлекслар усули; 2) бош мия биотокларини ёзиб олиш усули; 3) Бош миёда кон айланиши ва моддалар алмашиувини текшириш усули; 4) бош миёни бевосита кучсиз электр токи ёки кимёвий моддалар билан таъсирлаш усули; 5) миёнинг турли қисмларини олиб \_ ташлаш усули.

Шартли рефлекслар усулидан фойдаланилганда ^уйидаги шарт-шароитлар бўлиши керак: 1) шартли таъсирловчи 2) шартли таъсир шартсиз тасирдан олдин келиши керак 3) шартли ва шартсиз таъсирлар бирга кўлланилиши керак (масалан чироқ ва овкат). Шартли таъсирловчи билан шартсиз таъсирловчи бир неча марта таъсир эфирилса, одамнинг бош миёсида иккита марказ ўртасида вактинчалик боғланиш вужудга келади.

Бош мия биотокларини ёзиб олишда электроэнцефалограф асбобидан фойдаланилади. Қўзғалиш вақтида тирик тўқималарда содир бўладиган электрик ўзгаришлар, биоэлектрик ўзгаришлар ёки ходисалар деб аталади. Бош мия биотоклари ниҳоятда кучсиз бўлгани учун уни махсус асбобларда 100 000, баъзида 10 млн марта ортириб ёзиб олинади.

Миёнинг турли қисмларини олиб ташлаш усулида, миё бўлақларини жаррохлик усулида олиб ташлаб, организмда кечадиган физиологик ўзгаришлар кузатилади.

### ***Шартли ва шартсиз рефлекслар***

Нерв тизимининг фаолияти рефлектор принципида амалга ошади. Рефлекс ташқи ва ички муҳит таъсирига организмнинг нерв системаси орқади юзага келадиган жавоб реакциясидир. Рефлекс терминини физиология фанига чех олими Прохаски киритган. Рефлекслар икки хил бўлади: шартли ва шартсиз.

2. Овкат хазм қилиш тизимининг ёш хусусиятлари.
3. Организмда модда алмашинуви.
4. Овкатланиш гигиенаси.

Одам хаёт фаолиятини саклаши, меҳнат қилиши, усиб, ривожланиши учун ташқи муҳитдан овкат моддаларини қабул қилади. Овкат хазм қилиш каналида механик майдаланади, химик парчаланади, сурилади.

Одамнинг хазм қилиши канали 8-10 м. узунликда бўлиб, девори уч қаватдан: ички шиллик, урта—муқкул, ташқи-сероз қаватларидан тузилган. Овкат хазм қилиш каналига: оғиз бушлиғи ва ундаги органлар халқум, қзил унғач, ошқозон, ингичка ва йуғон ичаклар, йирик безлардан—жигар, меъда ости беши қиради. Овкатнинг таркибида

Оғиз бушлиғи оғиз дахлизи ва хақиқий оғиз бушлигадан ташкил топган бўлиб, бу ерда овкат тишлар ёрдамида механик майдаланади, сулак ажратиш жараёнлари учун ҳам зарур. Организм учун кальций, фосфор, калий, натрий, марганец, кобальт, мис, рух, бром, йод, олтингургурт, темир ва бошка микро ва макроэлементлар ҳам жуда зарур. Агар бирор минерал моддалар етишмаса турли хил касалликларга юзага чиқади. М—н. организмда кальций етишмаса нерв ва муқкул кўзғулвчанлиги кучаяди, бу спазмофил касаллигига олиб келади, йод етишмаса қалқонеймон безнинг фаолияти бузилиб, буккок касаллиги пайдо бўлади, натрий хлорид купайиб кетса, харорат кутарилади.

Сув одам организми барча хужайра ва тўкималарининг таркибий қисмига қиради. Жумладан коннинг 92%, мия туд:имасининг 84%, тана муқкулларининг 70%, суякларнинг 22%, сувдан иборат. Катта ёшдаги одамларнинг танасини 50~60% сув ташкил қилади, ёшларда сув микдори бундан купрок бўлади. М—н. чаклок тана массасининг 80%ни сув ташкил этади. Организмдаги барча кимёвий процесслар сув иштирокида бўлади. Агар одам овкат истеъмол қилмай, фақат меёрида сув истеъмол қилса у 40-45 кунгача унинг тана массаси 40% камайгунча яшаши мумкин. Аксинча овкат меёрида бўлиб, сув истеъмол қилинмаса, тана массаси 20-22% камайса, бир хафтага етар-етмай одам халок бўлиши мумкин. Одамнинг суткалик сув баланси 2,2-2,8 л.

Витаминлар. Витаминлар ҳам еғлар, оксиллар, углеводлар, минерал тузлар, сув каби организм учун зарур бўлган озика моддалардан хисобланади. Рус олими Н.И. Луин (1853-1938) 1880 йилда организм учун зарур бўлган моддалардан бири витаминлар эканини биринчи бўлиб исботлади. 1912 йилда К. Функ томонидан витаминлар деб номланди (вита-

хаёт деган маънони англатади. Витаминларнинг 40 дан ортиқ тури бўлиб, улар организмнинг ўсишига, модда алмашинувига, иммун ҳолатига, юрак—ўон томир, нерв тизимининг иш фаолиятига таъсир кўрсатади. Дгар бирор витамин организмга мутлако кирмаса авитаминоз, етишмаса гиовитаминоз, меёридан ортиб кетса гипервитаминоз дейилади. қар бир витамин турли хил вазифани бажаради.

А витамин ўсиш витамини дейилади. У организмнинг ўсиш ва ривожланишида, тери устки қавати ҳолатини нормал саклашда, қуз уткирлигини яхши бўлишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу витамин етишмаганда тери қуруқлашиб, ёрилиб, нафас йўллари ва ошқозон ичак қаватининг яллиғланиши касалликлари юзага келади. Витамин Д балиқ ёғида, сариёғда тухум сариғида, жигарда, сабзи, кизил қалампир, урик таркибида кўп бўлади. В группа витаминларга В1 (тиамин), В2 (рибофлавин), В6, В12, В15, РР (никотин қислота) кйради. Бу витаминлар нерв системасининг фаолияти, *ц.оп* яратилиши учун зарур. Улар гуручда, ловия, нўхат, ёнғокда, пиво ачитқисиди, жигарда, тухум саригида бўлади. С витамини (аскорбин қислота) моддалар алмашинувида муҳим роль уйнайди. Бу витамин етишмаганда цинг қасаллиги пайдо бўлади. Боланинг мулки, оғзи яраланади, тишлари тушиб кетади. Бу витамин қарам, петрушка, помидор, қук пиёз, наъматак, апельсин, лимон, олмада қуп бўлади.

Д витамин организмда кальций ва фосфор алмашинуви нормал Утишида иштирок этади. Айниса у икки-уч ёшгача бўлган болалар суягининг нормал шаклланиши, ўсиши ва ривожланишида қатта аҳамиятга эга. Бу витамин етишмаслиги натижасида ёш болаларда рахит қасаллиги юзага келади. Бу витамин балиқ ёғида, тухум саригида, сут ва сут маҳсулотларида кўп бўлади. У куёшнинг ультрабинафша нурлари таъсирида бола терисида табиий равишда ҳосил бўлади.

Демак витаминлар бола организмдаги барча хаётий муҳим физиологик жараёнларнинг нормал ўтишида, ўсиш ва ривожланишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун боланинг қундалиқ овқатида витаминларга бой маҳсулотлар бўлиши қерак. Бу маҳсулотлар бўлмаган вақтда дорихонада тайёр қолда сотиладиган витамин таблетқаларидан қунига 1,2 дона истеъмол қилиши қерак.

### Овқатланиш тартиби ва овқатланиш гиенаси

Боланинг. бир қунда ейдиган овқати шу вақт ичида сарф этилган энергия ўрнини қоплаши ва ўсишни таъминлаши қерак. Болаларни овқатлантиришда овқат таркибидаги маҳсулотлар нисбатини олиш қерак. Умумий таълим мактабларида ва мактаб интернатларида биринчи сменадаги ўқувчиларга эрталабки нонушта 7.30дан 8гача бир қунлик рационнинг 25%, иккинчи нонушта 11-12да рационнинг 15-20%ни, мактабдан вқайтгандан сўнг тушлик ейиши қерак, бу рационнинг 35% ташқил этади, кечки овқат 19-20 да

овкат рационини 2025% ташкил этиши керак.

Озика моддалари энергия манбаи ва курилиш материали хисобланади. Шунинг учун улар тўла қимматли овкат ейишлари керак. Шундагина улар яхши ўсади, турли касалликларга чидамли бўлади. Болалар овкати барча зарурий моддалардан, ўсимлик ва хайвон махсулотларидан, сифатли махсулотлардан ва етарли даражада бўлиши, тўк тутиши керак. Овкатланиш туғри ташкил қилиш катта ахамиятга эга. Урта мактаб ўқувчилари 4 марта овкатланишлари, нимжон болалар тез-тез овқатланишлари зарур. Овкатланишда шахсий гигиенага, стол атрофида ўзини тутишга, дастурхон гўзаллигига риоя қилиш керак. Хаётда овкатдан захарланиш кўп учраб туради. Захарланиш бактериал ва бактериясиз турларига бўлинади. Бактериал захарланиш турига салмонеллез киради. Бу салмонеллалар тушган овкатни еганда ривожланади. Бу овкат турларига гушт, тухум, сут махсулотлари киради. Бундан ташқари пичок тахтадар, столларда, рулда бу микроблар бўлиши мумкин. Улар пашша, сичкон, каламуш, ит, мушук орқали ҳам юқади. Захарланиш белгилари: бир кун ўтқач ўт пуфаги атрофида обрив, пайдо бўлади, кўсади, ич кетади, бош окрийди, тиришишади, совук тер босади.

Ботулизм. Табиатда кенг тарқалган ботулинус таёкчаси билан зараланган овкатни истеъмол қилиш орқали одам уткир захарланади. Одам захарли консервалар, кўзикорин, тузланган балик, дудланган махсулотлар, гўшт орқали юқади. Бир неча соат ўтқач захарланиш белгилари пайдо бўлади: мускуллари бўшашади, кўзи яхши кўрмайди, оғзи ккурийди, нутки бузилади, ютиши кийинлашади, нафас олиши кийинлашиб, бемор халок бўлиши мумкин. Стафилококклардан захарланиш. Терисига яра чиққан, ангина, конъюнктивит билан огриган кишилар инфекция ташувчи бўладилар. Одамнинг томоғида, бурун шиллик каватида, терида, ичагида касаллик микроблари бўлади. Бу микроблар сут, балиц, махсулотларида, сабзавотларда бўлади. Бунда одам қусади, коринда оғрик пайдо бўлади, харорат кутарилади. Дизентерия, дизентерия таёкчалари орқали юқади. Асосан ифлос кўл орқали утади ва нихрятда юккумли хисобланади.

Ошқозон шираси кислотик хусусиятга эга бўлиб, таркибида 0,3-0,4% хлорюд кислота сакланади. РН-2,5 тенг. Ошқозон безларида шиллиу модда ҳам ишлаб чиқарилади. Бу модда шиллик каватни турли химик, механик таъсирлардан саклайди. Турли овкат моддаларига турли микдорда ошқозон шираси ажралади. Ошқозон ширасининг ажралиши нерв—нерв—гуморал йўлда ажралади. Нерв йўлида шира ажралиши шартли ва шартсиз рефлекслар асосида бўлади (Овкат курмаганда хидига ҳам ошқозон ширасининг ажралиши) Ошқозон ширасининг нерв-гуморал йўлда ажралишида овкат таркибидаги моддалар конга сурилгандан сўнг кон орқали опирзон безларига келиб уларни фаолиятини кучайтиради. Овкатлангандая 20Ғ30 минутдан сўнг ошқозон тулкинсмон кискариб овқат ошқозон шираси билан аралашади. Катта одамларда аралаш овкат ошқозонда 3~4 соатдаи сунг 12 бармокли ичакка утади. Суг ва сутли овкатлар ошқозондан

ун икки бармоқли ичакка тез утади.

Боланинг ёши ортиши билан ошқозоннинг хажми ҳам узгариб боради. Янги тугилганларда - 30-45см<sup>3</sup> бўлса, 12 ёшда 1500см<sup>3</sup> бўлади. Боланинг ёши ортиши билан ошқозоннинг шакли ҳам ўзгариб боради. 2 ёшгача ошқозон ноқ шаклида бўлса, 7 ёшда реторта колба шаклида бўлади. Болаларда ошқозоннинг шиллик қавати нозик бўлиб, жуда қўн томирлари билан таъминланган бўлади. Ошқозон безлари майда, йўллари торроқ бўлади. Усмирларда ошқозон механик таъсирланганда ажралгаи ширанинг миқдори қапа одамникидан 2 марта кам бўлади. 5—6 ёшда болалар ошқозон ширасида хлорид кислота миодори билан кам бўлиши бактерияларни зарарсизлантириш хусусиятини камайтиради. Болалар ошқозон ширасининг таркибида: пепсин, химозин, липаза, амилаза ва боша ферментлар бўлади, Лекин бу ферментларнинг кучи кам. Болаларда (курак ёшидаги) ошқозоннинг кириш қисмидаги кардий сфинктири мустахам беркилмайди. 10-12 ёшда ошқозон харақати кучаяди. Ошқозон массаси ҳам ёш билан узгариб боради. М<sup>н</sup>: Чақалоқларда - 6,5 г, 14-20 ёшда 127 г, 20 ёшдан сўнг 155 г. Ошқозон массаси ёш билан баробар 24 марта, гавда эса 20 мasha катталашади.

#### Ичакка ичакда овқатнинг хазм бўлиши

Ичакнинг узунлиги катта одамларда 6- 7 м, диаметри 2,5-3 см. Ичак 12 бармоқли ичак - 20 см, оч ичак ва ён бош ичакка бўлинади. Ошқозон қисман парчаланган овқат бўлгани 12 бармоқли ичакка тушади. Бу ерда жигардаги ўт пуфакда ишлаб чиқилган ўт суюқлиги ва ошқозон ости безида ишлаб чиқилган ошқозон ости безининг шираси ёрдамида ва 12 бармоқли ичак деворларида ишлаб чиқилган ичак шираси таъсирида овқат бўлгани парчаланadi. Ичак шираси 99% сув, қолган қисми органик модда, ферментлардан (эрипсин, липаза, амилаза) ва туздан иборат бўлади. Бир суткада 1,5-2 литр ичак шираси ишлаб чиқарилади. Ичак девори ишқорий хусусиятга эга. Ичак деворлари жуда қўп сўрғичлардан иборат бўлиб, улар қўн томирларига жуда бой бўлади. Парчаланган овқат шулар ёрдамида *цота* сурилади. Болаларда ичакнинг узунлиги танасига нисбатан катта одамникига қараганда узун. Бола ёши ортиши билан ичак ширасини миқдори ва ферментларнинг концентрацияси ортиб боради. Ошқозон ости бези икки хил вазифани бажаради. Унинг оғирлиги чақалоқларда — 2,63 г., 12 ёшда унинг узунлиги катта одамникига тенг бўлади. Меъда ости безининг оғирлиги 70—80 г. барг шаклида, унинг боши, танаси, дум қисмлари бўлади. Меъда ости бези бир суткада 500800 см<sup>3</sup> шира ишлаб чиқаради. Унинг 98% сув, қолган қисми оксил ва туздан иборат. Шира таркибидаги ферментлар, яъни эрипсин, пептонларни аминокислоталаргача, липаза ёғларни ёғ кислотаси ва глицирингача парчалайди.

#### ЖИГАР

Жигар организмдаги энг катта без бўлиб, оғирлиги 1,5 кг. чап қовирғалар остида жойлашган. Жигар қуйидаги вазифаларни бажаради:



дарвоза венасини зкосил қилган вена қон томири овқатдаги ва қондаги захарли моддаларни захарсизлантиради; қон депоси ҳисобланади. Бу ерда 10% қон запаси сақланади; ўлган эритроцитлар жигарда тўпланади, болаларда эса эритроцитлар ҳосил бўлади; Купер хужайраларида ўт суюқлиги ишлаб чиқарилади; Жигар ортиқча глюкозани гликоген сифатида запас сақлаб туради; Жигар таъна температурасини турғун сақлашда иштирок этади. Жигардан доимий равишда овқатлангандан 20-30 минутдан сўнг ўт ажралиб чиқади ва 12 бармокли ичакка қуйилади. Ут ёғларни эмулсиялайди, сувда яхши эришини тезлаштиради, овқат хазм қилиш каналини ҳаракатини яхшилади, ичакдаги микробларни ўлдиради. Боланинг ёши ортиши билан жигарнинг ҳажми, оғирлиги тузилиши ўзгариб боради. Янги туғилган бола жигарнинг оғирлиги 130 г, 2-3 ёшда - 460 г, 6-7 ёшда - 675 г, 8-9 ёшда - 720 г, 12 ёшда - 1130 г, 16 ёшда - 1260 г. Болалар ўт кислотасининг концентрацияси ва миқдори кам бўлади.

#### Хазм каналининг ҳаракатлари.

Одам овқатлангандан 15 минутдан сўнг ичак мускуллари қисқариб, ичак ҳаракатлана бошлайди. У уч хил перистальтик, сегментли, маятниксимон ҳаракатланади. Ичак ҳаракатланганда овқат массаси қоришади, тўғри ичак томонга ҳаракатланади. Ичакнинг рефлексор йўлидан қисқариши ичак деворини химик ва механик таъсирланиши туфайли вужудга келадв. Овқат буткаси болаларда ингичка ичакда жами 12-30 соат атрофида утади.

#### Сураллиш

Овқат моддалари химик, механик, таъсирлар натижасида парчаланиб, сувда эриган ҳолга келгандан сўнг ичак деворларидан қон томирлари ва лимфага сурилади. Ошқорзонда сув, алкоголь, бази озика моддалари, қрсман углеводлар сурилади бошлайди. Янги туилган болаларда ошқорзон купрокк овқат моддалари скрилади. Ёш ортиши билан сурилиш камаяди. Ичакнинг шиллик каватида жуда куп миқдорда сурричлар булади. (Хар бир мм<sup>2</sup> 22-40та). Ичак суринчларининг қисқаришини пиёз, чеснок ва калампир 5 марта тез— лаштиради. Сурғичлар қон томирларига жуда бой. Оқиллар ичак деворларидан аминокислоталари холида, углеводлар сувда эриган моносакхаридлар, ёғлар эса ёғ кислотаси ва глицирин холида қон ва лимфага сурилади. Болаларда ичакдан жуда оз миқдорда оксиллар сурилади.

#### **Мавзу буйича ҳулоса:**

Одам ҳаёт фаолиятини сақлаши, меҳнат қилиши, ушиб, ривожланиши учун ташқи муҳитдан овқат моддаларини қабул қилади. Овқат хазм қилиш каналида механик майдаланади, химик парчаланади, сурилади.

#### **Текшириш учун саволлар:**

1. Овкгг хазм қилиш тизимига қандай органлар киради?
2. ОВКАТ хазм қилиш тизимини ташкил этувчи органлар қандай вазифаларни бажаради?
3. Модда алмашинуви деб нимага айтилади?
4. Овкат қандай *озиқ* моддалардан иборат?
5. Оксил, ёғ, углеводлар организм учун қандай ахамиятга эга?
6. Бола организми учун сув, минерал тузлар, витаминларнинг ахамияти нимадан иборат?
7. Овкатланиш гигиенаси деганда сиз нимани тушунасиз?

### ***Таянч тушунчалар.***

Суг тишлар, ошқозон, жигар, сурилиш, моддалар алмашинуви, оксил, ёғлар, углеводлар, витамин.

### ***Адабиётлар:***

1. М.В.Антропова "Болалар ва усмирлар гигиенаси". М.Медицина, 2002
2. М.Т.Матнешонок "Бошланғич мактаб ўқувчиларининг анатомия, физиология ва гигиенаси". Минск. "Висшая школа". 2001.
3. КХ.Содиқов "Ўқувчилар физиологияси ва гигиенаси" Т.Ўқитувчи, 2002.
4. А.Г.Хрипкова, М.В.Антропова, Д.А.Фарбер, "Ёш физиологияси ва гигиенаси" М.Просвещение 2000.
5. Соғлом авлод-юртимиз келажаги "Ўқитувчи газетаси". №48. 1999
6. Физиология человека. Под ред. Косицкого Г.И.: -М.2002
7. Новые исследования по возрастной физиологии.-Т.: 2003.
8. Хрипкова А.Г. Анатомия, физиология и гигиена человека.-М.: 2000.
9. Белецкая В.И., Громова З.П. Школьная гигиена. М.:2000
10. Хрипкова А.Г., Антропова М.В., Фарбер Д.А. Возрастная физиология и школьная гигиена Москва 2000 г.
11. Физиология развития ребенка. Под ред. М.В. Антроповой Москва 2003 г.
12. Антропова М.В. Гигиена детей и подростков.-6 изд. М.: Медицина 2002.
13. Гуминский А.А., Леонтьева Н.Н., Тупицына Л.П., Руководство по выполнению лабораторных занятий по физиологии.- М.Изд.МГПИ 2000.
14. Хрипкова А.Г. Возрастная физиология.- М.; Просвещение. 2001.
15. Колесов Д.В.; Хрипкова А.Г. Гигиена и здоровье школьника.- М., Просвещение., 2000.

### ***Кушимча адабиётлар:***

1. Хрипкова А.Г., Антропова М.В. Адаптация организма учащихся к учебной и физической нагрузкам.- М.; Просвещение, 2002.

2. Хрипкова А.С., Половое воспитание . - М.; Просвещение,2000.
3. Маркосян А.А. К вопросу о возрастной физиологии.-М.: 2001
4. Шарипова Д.Д. Школьникам о здоровье.2003.
5. Сухомлинский В.А. О воспитании.- М.:2000.
6. Адаптация организма учащихся к учебной и физическим нагрузкам  
Под ред. Хрипковой А.Г., Антороповой М.В.- М.Педагогика.2001.
7. Леонтьева Н.Н., Маринова К.В. Анатомия и физиология детского  
организма.М.,Просвещение.,1999.
8. Физиология развития ребенка./ под ред. В.И.Козлова./,М.Педагогика.  
1999.
9. Созревание основных физиологических систем организма детей.  
Под ред. М.М.Кольцовой.М.- 2000.
- 10.Нормализация учебной нагрузки школьников. Под.ред. В.И Козлова. М.  
2001.
- 11.Н.Пронина, В.В.Лукашевич. « Психология и педагогика».Учебник для  
студентов ВУЗов. Издательство «Элит»,Москва 2004.
- 12.Педагогика профессионального образования. Под ред. В.А.Сластени-  
на.Москва. «Академіа».
- 13.Психология и педагогика. Под.ред.А.А. Радугина. Москва. 2003.  
Издательство «Центр».
- 14.«Педагогика» В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И. Мищенко,  
Е.Н. Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004.

[WWW.MGPI@PED.MAST.ru](mailto:WWW.MGPI@PED.MAST.ru)

[www.inter – pedagogika. ru.](http://www.inter-pedagogika.ru)

[www. ise. iip.net.](http://www.ise.iip.net)

[www.school. edu. ru.](http://www.school.edu.ru)

[www. ppsy.ru.](http://www.ppsy.ru)

[www.search.re.uz](http://www.search.re.uz) - система поиска информации Узбекистана.

[www.ictcountcil.gov.ru](http://www.ictcountcil.gov.ru) - сайт Координационного совета Кабинета Министров по развитию компьютеризации.

[www.escoman.edu.ru](http://www.escoman.edu.ru) - учебно - методический комплекс по предметам высших учебных заведений

## 9-МАЪРУЗА

### МАВЗУ: НАФАС ОЛИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГИГИЕНАСИ.

#### РЕЖА:

1. Нафас олишининг ахамияти.
2. Газлар алмашинуви механизми
3. Нафас олиш органларининг тузилиши: Бурун бўшлиги ва унинг функцияси.
4. Хикилдок тузилиши ва боланинг ривожланиши жараёнидаги ўзгаришлар.
5. Трахея, унинг тузилиши ва функцияси.
6. Бронхлар ва улкада газлар алмашинуви

Улка хужайралари альвиолларда газлар алмашинувининг ёш хусусиятлари.

Нафас олишнинг бошқарилиши. Иафас олиш гигиенаси .Тирик организм нафас олиш жараёни туфайли, Атроф мухитдан кислородни олиб, корбанат ангидрид газ ва суви парларини ташқаригна чиқариб туради.

Одам организмида содир бўладиган оксидланиш жараёнларининг асосий қисми кислород иштирокида юзага келади. Шунинг учун ҳаётнинг давомийлиги, организмга доимо кислород кирибтуриши билан боғлиқдир. Парчаланиш жараёнларининг махсулоти карбонат ангидриддир, у жараёнларнинг давом этиши учун ташқарига чиқиб туриши шарт. Ана шу жараённи нафас олиш органлари юзага келтиради. Кислородни улкадан тўқималарга, карбонат ангидридни тўқималардан улкага қон ташиб беради.

Шундай қилиб, организмда газлар алмашинуви учта жараёндан иборат:

1. Ташқи нафас ёки ўпка нафаси- организм билан теварак мухит ўртасида ўпка орқали газлар алмашинуви.
2. Ички нафас ёки тўқималар нафаси- хужайраларда рўй берадиган лараёнларни ўз ичига олади.
3. Қоннинг газларни ташиши, яъни *қон* орқалиўпкада тўқималарга кислород ва тўқималардан ўпкага карбонат ангидрид етказиб берилиши

Одам нафас олганда ҳаво буринга, сўнгра бурун халқумига, хшр!лдо!ккк, трахеяга, бронхларга ва бронхиолларга ва ниҳоят альвиолларга қиради.

Бурун бўшлиги. Кичик ёшдаги ўқвчиларнинг бурни анча кичик бўлади. Тахминан бола беш ёшга борганда бурун кўтармаси йўқолиб кетади. Бурун бўшлигини ташқил топишида бурун суяклари тоғайлар қатнашади.

Бурун бўшлигининг ички шиллиц юзасини кўпчилик вқисмида кўп ядроли тукли цилиндрик эпителия билан қопланган бўлиб, бу қисмида шиллик ишлаб чиқарувчи безлар жойлашган бўлади. Бурун бўшлиғида шунингдек хид билиш рецепторлари жойлашган бўлади. Бурун бўшлиғидаги

туқлар хаво билан қирган чанғларни ушлаб қоли& ташқаримчиқариб ташлайди.

Бундан ташқари, бурун ўшлиғи капиляр 1 {он томирлари билан яхши таъминланеган бўлиб, ташқаридаги бурун бўшлиғи орқали ўпкага ўтаётган хаво илиб ўтади.

Хикилдок- бир-бирига бириккан харакатчанг тоғайлардан иборат бўлади. Болаларда хикилдок тана узунлигига нисбатан катталарга караганда узунроқ бўлади. Хикилдок боланинг беш ёшида ва жинсий балоғат даврида интенсив ривожланади. Қизларнинг 3 ёшида хикилдок, , шу ёшдаги ўғил болаларга нисбатан кичикроқ ва торроқ бўла бошлайди. Аёллар хикилдоги, эркакларникига нисбатан 1/4кисмга кичикроқдир. Хикилдокниш ўсиши одамнинг 20—30 ёшигача давом этади. Ёш болаларда овоз ёриги тор, хикилдок ва овоз бойламлари мустақил овоз иускуллари интенсив равишда ривожлана бошлайди. Ўғил болаларнинг 12 ёшидан бошлаб кизларга нисбатан овоз бойламлар тори узунроқ бўла бошлайди. Шунинг учун ўғил болаларда овоз пастрок бўлади.

Трахея— буйиннинг олдинги кисмида жойлашган бўлиб, хшуалдорнинг паска караб йуналган давоми хисобланади. Унинг пастки учи 5—6 кўкрак умкркаси дамига келиб, икта бронхга бўлинади.

Трахея туташмаган тоғай халкалардан ташкил топган, уларнинг учлари орасига бириктирувчи туқима пардаси тортилган. Кичик ёшдаги ўқувчиларда бу парда, катталардагига караганда кенгроқ бўлади, чунки халкаларнинг тоғайи тула ривожланмаган бўлади.

Трахеянинг ички томонидан нозик шиллик парда билан копланган. Унинг йўли шу кадар торки, шиллик пардаси яллигланганда ёки трахея ичига ёт жисмлар тушиб қолганда нафаснинг кийинлашиб қолишига сабаб бўлади.

Трахеянинг узунлиги янги туғилган болаларда 3—4 см., 5 ёшда 5—6 см., 10 ёшда 6,3см., 15ёшда 7,5 см, катталарда эса 9-12 см.га тўғри келади. Болаларда трахеянинг шиллик кавати нозик, кон ва лимфа томирлари билан жуда яхши таъминланган. Шунинг учун баъзида катталарга нисбатан чанг зарралари микроблар бола трахеясининг шиллик каватига тез урнашиб қолади.

Бронхлар-трахея 2 та унги ва чап бронхга бўлинади. Унги бронх уз навбатида 3 бўлинса, чап бронх эса 2 бўлакка бўлинади. Унги томондагиси гуё трахеянинг давоми бўлса, чап томондагиси , утни бурчак остида чиқади. Ўнги бронх иккинчисидан калтароқ бўлади. Ёт жисмлар купинча унги бронхга тўшиб қолади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг бронхлари тор, тоғайлари юмшоқ, мускул ва эластик толдалари анча суст ривожланган бўлади. Бронхларни қоплаб турган шиллик парда, кон билан мул—кул таъминланадию, лекин бир мунча курук туради. Бронхларнинг ўсиши кичик мактаб даврида секин боради ва 13 ёшидан кейин анча тезлашади.

Бронхлар майда бронхчаларга, ундан сунги эса бронхиолларга бўлиниб, хар бир бронх бронх дарахтини ҳосил қилади. Бронхиоллар

тармокланиб охирида упка хужайралари альвиоллар билан тугайди.

Упка-кукрак кафасининг тегишли ярмида жойлашган бўлиб, ўнг ва чап упкадан иборат бўлади. Хар бир упка конуссимон бўлиб, устки кисмидчи, пастки вкисми эса асоси дейилади. Болаларнинг ёши орта бориши билан упканинг огирлиги ва хажми ортиб боради. Янги туғилган болаларда икки упканинг огирлиги 50—57 г., 1—2 ёшда 225г., 5—6 ёшда 350г., 9—10 ёшда 395г., 15-16 ёшда 690-700г., катталарда эса ЮООг. бўлади. Упка хажми янги туғилган болаларда  $70\text{см}^3$ , 1 ёшда  $270\text{см}^3$ , 8 ёшда  $640\text{см}^3$ , 12 ёшда  $680\text{см}^3$ , катта одамда эса  $1400\text{см}^3$  бўлади.

Упканинг ўсиши асосан, альвиолла хужайраларининг ортиб бориши хисобига бўлади. Бу нафаси ва газ алмашинувига таъсир килади.

Альвиоллар— деворлари гопка бўлиши ва уларнинг 1кон копилярлар тўри билан ўралиб туриши 1рн газлари билан ўпка газлари орасида алмашинув жараёнлари юзага чикишида имкон беради. Янги туғилган болаларда альвиолларнинг сони катта одамларникига караганда 3 мартк (лвм бўлади. Альвиолларнинг интенсив ўсиши айникса боланинг 12 ёшидан бошланади. Бу эсгўпканинг юзасини анча ортишига сабаб бўлади, чунки болаларда газ алмашинуви интенсив кечиб, бола тез ўсиб ривожланади.

Янги туғилган болаларда альвиолларнинг хажми 0,05 мм, 3~4 ёшда 0,12 мм, 15 ёшда 0,17 мм келади. Янги турилган ўғил ва қиз болаларда нафас олиш қорин типиди, яъни асосан диофрагма хисобига бўлади. Кўкракнинг юқори кисмлари харакати жуда кам бўлади. Бола 2 ёшдан тик юра бошлаши билан кўкрак кафаси вертикаль холатда кўпро!\$ бўлиб, болада кўкрак типидаги нафас олиш тараккий эта бошлайди. Боланинг 3 ёшидан бошлаб кўкрак типидаги нафас олиш яқолроқ вужудга кела бошлайди. Болаларда нафас олиш катталарга нисбатан тез ва юзаки бўлади. Боланинг ёши ортиши билан ўпканинг хаво сиғими ортиб боради. Боланинг нафас олиши тез бўлгани учун ўпканинг вентиляцияси юқори бўлади.

Ёш болаларда организмнинг кислородга бўлган талаби жуда яккоридир, чунки болаларда энергия ва моддлар алмашинуви жуда интенсив равишда кечади. М~н: 1 кг. Бола организми кислород билан нормал таъминланиши учун, ўпкасидан 1 минутда  $1400\text{—}1500\text{СМ}^{-1}$  хаво ўтиши керак. Катта одамнинг 1 кг. тирик массасининг кислородга бўлган эхтиёжини цондириш учун эса  $300\text{—}400\text{см}^3$  хаво ўтиши керак. Болаларнинг тинч холатида ва айникса мускул ишида катталарга нисбатан тез—тез нафас олади. Агарда болалар систематик равишда жисмоний машк билан, айнкса ккайикда сузиш, волейбол, енгил атлетика, сузиш спорти билан шуғулланса, ўпканинг тириклик сиғими ортади. Бунга асосий сабаб, жисмоний машкланиш жараёнида организмни кислородга бўлган эхтиёжи ортади, натижада ўпканинг нафасдаиштироқ этадиган юзаси хам аста—секин катталашиб боради. Шу билан бирга томирлардан вак,г бирлиги ичида ўпкага оциб келадиган кон миккдори хам кўпайиб боради, бу эса болаларда газлар аучун анча қулай шароитларни яратади.

Упка махсус парда ёки плевра билан копланган бўлади. Плевранинг

бир варағи кўкрак нафаси билан диафрагманинг ички томондан коплаб турса, иккинчи варағи ўпкани ураб туради ва бу варағилар ўпка илди ёнида бир—бири билан билинмай кўшилиб кетади. Ёпик турадиган варақлар орасидатиркишсимон бўшлик, плевра бўшлиғи бўлади, унда бир оз микдорда суюклик бўлади, шу суюклик варақарни намлаб туради ва бир—бирига ишқаланишга йўл кўймайди.

Нафас ҳаракатларининг башқарилиши узунчоқ миядаги бир гуруҳ нерв хужайраларининг фаолияти нафас мускулларининг кискаришига сабаб бўлади. Шу хужайралар нафас маркази деб аталади. Нафас маркази хужайралари узунчоқ миянинг кнги ва чап ярмида жойлашган ва миянинг бирор томонидаги марказ фаолиятининг тухташи факат тегишли томондаги нафас мускуллар ишини тўхтатишига сабаб бўлади. Нафас марказида факат нафас олишни ёки факат нафас чиқаришни таъминлайдиган иейронлар бор. Аммо узунчоқ, мия бутунлигича сакланиб қолса—ю, унинг юқорида ётган бош мия бўлимлари билан, хусусан мия пўстлоғи билан алоқа бузилса, нафас ҳам издан чиқади. Нафас ҳаракатлари рефлексор йўли билан бошқарилади. Танамизнинг бошқа қисмлари тасвирланганда ҳам нафас рефлексор равишда

узгаради. М~Н: Чумилиш вақтида суага тушиш нафасни қиека вақт тухтаб қилишига сабаб бўлади.

Хшшлдоқ нерви учларининг нафас йўлларида чанг ёки шилимшик, билан таъсирланиши йуталга сабаб бўлади. Бурун -халқумнинг чанг ёки шилимшик билан таъсирланиши акс уришга сабаб бўлади.

Соғлом организмда нафас оралиқ мия ва бош мия пўстлоғи иштирокида бошқарилиб боради. Катта ёшли одам ва катта ёшли болалар уз ихтиёри билан нафас тезлигини ва чуқурлигини узгартириши мумкин.

Бундан ташқари, нафас тезлиги унинг эмоционал ҳолатига боғлиқ бўлади. Бош мия катта ярим шарларининг пешона бўлақларини таъсирлаш нафас ҳаракатларининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Спортчида старт оқидан, ўқувчининг экзамен олдидан, ишчини мекнат жараёни бошланиши олдидан нафасини тезлашиши ҳам шартли рефлексдир.

Нафас олиш гигиенаси дегайда, тўғри нафас олишни таъминлаш тушунилади. Нафас жараёнида атмосфера ҳавоси бурун бўшлиғига кириб исийди, намланади, анча чангдан тозаланади. Бурун бўшлиғида тукчаларнинг бўлиши бунга ёрдам беради. Демак бурун билан нафас олиш гигиеник жикатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Оғиз билан нафас олганда қалла суюғининг юз қисми ва кўкрак қафаси ривожланишида камчиликлар юз беради. Тез-тез шамоллаш халқум ва трахеянинг шиллик қаватининг яллиғланишига олиб келади. Аммо гапирганда, ашула айтилганда оғиз билан нафас олишга мажбур бўлинади. Шунинг учун ашула дарслари утқазиладиган ҳоналар озода, ҳавоси эсаилик бўлиши керак.

Болаларга тугри нафас олишни ўргатиш физкультура машққлари утқазилган вақтида педагоғлар бажарадиган ишлардан биридир. Улар юриш,

югуриш ва бошка турдаги фаолият вақтида , шунингдек, утирганда тугри нафас олишни болаларга ўргатиш керак.

Бизни куршаб турган хавонинг таркиби нормал шароитда анча доимий бўлади. Кислород 20,94%, карбонат ангидрид ва азот 79,03% бўлади.

Ўқувчиларни тоза хаво билан таъминлаш учун синфларда ҳар оир ўқувчига 16 кубҒм дан то 20 кубҒм гача, санитария нормаларига мувофиқ эса 4,5 кубҒм дан 5 кубҒ м гача эга бўлиши керак.

#### ***Мавзу буйича хулоса:***

Ўпка хужайралари альвиолларда газлар алмашинувининг ёш хусусиятлари. Нафас олишнинг бошқарилиши. Нафас олиш гигиенаси. Тирик организм нафас олиш жараёни туфайли, Атроф муҳитдан кислородни олиб, карбонат ангидрид газ ва суви парларини ташқаригна чиқариб туради.

#### ***Текшириш учун саволлар:***

1. Нафас олишининг ахамияти.
2. Газлар алмашинуви механизми
3. Нафас олиш органларининг тузилиши: Бурун бўшлиғи ва унинг функцияси.
4. Хиқилдок тузилиши ва боланинг ривожланиши жараёнидаги ўзгаришлар.
5. Трахея, унинг тузилиши ва функцияси.
6. Бронхлар ва улкада газлар алмашинуви

#### ***Таянч тушунчалар.***

Упка, газлар алмашинуви, хиқилдок, трахея, бронхлар, альвиола, вентиляция.

#### ***Адабиётлар:***

1. М.В.Антропова "Болалар ва усмирлар гигиенаси". М.Медицина, 2002
2. М.Т.Матнешонок "Бошланғич мактаб ўқувчиларининг анатомия, физиология ва гигиенаси". Минск. "Висшая школа". 2001.  
КХ.Содиқов "Ўқувчилар физиологияси ва гигиенаси" Т.Ўқитувчи, 2002.
3. А.Г.Хрипкова, М.В.Антропова, Д.А.Фарбер, "Ёш физиологияси ва гигиенаси" М.Просвещение 2000.
4. Соғлом авлод-юртимиз келажаги "Ўқитувчи газетаси". №48. 1999
5. Физиология человека. Под ред. Косицкого Г.И.: -М.2002
6. Новые исследования по возрастной физиологии. -Т.: 2003.
7. Хрипкова А.Г. Анатомия, физиология и гигиена человека. -М.: 2000.



8. Белецкая В.И., Громова З.П. Школьная гигиена. М.:2000
9. Хрипкова А.Г., Антропова М.В., Фарбер Д.А. Возрастная физиология и школьная гигиена Москва 2000 г.
10. Физиология развития ребенка. Под ред. М.В. Антроповой Москва 2003 г.
11. Антропова М.В. Гигиена детей и подростков. -6 изд. М.: Медицина 2002.
12. Гуминский А.А., Леонтьева Н.Н., Тупицына Л.П., Руководство по выполнению лабораторных занятий по физиологии. - М.Изд.МГПИ 2000.
13. Хрипкова А.Г. Возрастная физиология. - М.; Просвещение. 2001.
14. Колесов Д.В.; Хрипкова А.Г. Гигиена и здоровье школьника. - М., Просвещение., 2000.

***Кушимча адабиётлар:***

1. Хрипкова А.Г., Антропова М.В. Адаптация организма учащихся к учебной и физической нагрузкам. - М.; Просвещение, 2002.
2. Хрипкова А.С., Половое воспитание. - М.; Просвещение, 2000.
3. Маркосян А.А. К вопросу о возрастной физиологии. - М.: 2001
4. Шарипова Д.Д. Школьникам о здоровье. 2003.
5. Сухомлинский В.А. О воспитании. - М.: 2000.
6. Адаптация организма учащихся к учебной и физическим нагрузкам  
Под ред. Хрипковой А.Г., Антроповой М.В. - М. Педагогика. 2001.
7. Леонтьева Н.Н., Маринова К.В. Анатомия и физиология детского организма. М., Просвещение., 1999.
8. Физиология развития ребенка. / под ред. В.И. Козлова. / М. Педагогика. 1999.
9. Созревание основных физиологических систем организма детей.  
Под ред. М.М. Кольцовой. М. - 2000.
10. Нормализация учебной нагрузки школьников. Под ред. В.И. Козлова. М. 2001.

www. ise. iip.net.

[www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru).

[www.search.re.uz](http://www.search.re.uz) - система поиска информации Узбекистана.

[www.ictcountcil.gov.ru](http://www.ictcountcil.gov.ru) - сайт Координационного совета Кабинета Министров по развитию компьютеризации.

[www.escoman.edu.ru](http://www.escoman.edu.ru) - учебно - методический комплекс по предметам высших учебных заведений

## 10-МАЪРУЗА

### МАВЗУ: *АЙЙРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛЛРИ. ТЕРИ ТУЗИЛИШИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ.*

#### РЕЖА:

1. Айрув органларининг организм фаолиятидаги ахамияти.
2. Ички мухит барқарорлигини саклашда нафас йўли, ичак йўли, тери ва буйрак хусусиятлари.
3. Буйракнинг тузилиши ва функционал ахамияти.
4. Сийдик ҳосил бўлиш механизми.
5. Сийдик тутаолмаслик (эниурез) касаллиги ва уни олдини олдини олиш.
6. Терининг ахамияти, тузилиши ва функциялари.
7. Тери касалликлари ва чиниктириш.

Тирик организм ички мухит барқарорлигини сақууаш учун, организмга кирган озика моддалар, сув, хаво ва бошқа моддаларнинг алмашилиш қилдикларини ташқи мухитга чиқарибтуриши шарт. Чунки моддалар алмашинуви қолдиқлари сийдикчил, сийдик кислота, креотинин ва шунга ўхшаш моддалар микдори қонда ортиб кетса, организм захарланади.

Организмга дори сифатида ёки бошқа вазиятда киритилган ёт моддалардан ташқари, организмички мухити мувозанатини саклаш учун керакли моддаларни чиқариши ҳам шарт.

Организмдан ташқарига ажралувчи чиқинди моддаларни экскретлар деб аталади. Ажратувчи органларни экскретор дейилади. Экскретор органларга нафас йўли, тери, ичак йўли ва буйрак қиради.

Упка орқали карбонат ангидрид, қисман сув, эфир, хлороформ ва енгил учувчи газлар ажралади.

Тери орқали қисман сув, тузлар, микроэлементлар, азот алмашилиш қолдиқларива сийдикчил моддалар ажралади.

Хазм йўли орқали эса, хазм бўлмаган озика моддалар 1у>лди1қари , оқир метал тузлари, қисман сув, баъзи дориларнинг ва органик бўёқларнинг қолдиқлари алқралади.

Буйрак орқали эса организмдан, ортикча сув, тузлар, минерал моддалар, тўққима ва хужайраларда модда алмашилиш 1қолди1у\ари , сийдик кислотаси, мочевина, креотинин ва истеъмолқилинган дори қолдиқлари ажралади.

Буйрак фаолияти фақат қолдик моддаларни ташқарига чиқариб ташлашдан иборат эмас. Бундан тапиқари бир неча хаётий мухим вазифаларни бажаришда иштирок этади:

1. Қон ва бошқа ички мухит суюқликларининг хажм мувозанатини саклашда;
2. Бу суюқликларни осматик мувозанатини саклашда;
3. Кислота— асос мувозанатини сақлашда;
4. Қонда микдори ортиб кетган органик моддаларнинг

ортикчасини чикариб ташлашда;

5. Оксил, ёг ва углеводлар алмашинувида;

6. Қон босими, эритроцитларнинг ҳосил бўлиши, к:оннинг ивиши ва бошка жараёнларда иштирок этади;

Буйрак болаларда катталардагига караганда пастрокда туради, шунда хам унги буйрак чап буйракка караганда сал пастрокда жойлашган.

Буйрак тузилишига кўра ловияга ухшайди. Буйрак кесиб куриладиган бўлса, унда икки қават борлиги кўзга ташланади: *ташич*- пустлок қавати ва ички-мия (магиз) қавати борлиги кузга ташланади. Буйрак структураси нефронлар деб аталадиган жуда майда, микроскоп тузилишига эга бўлган, сийдик ҳосил бўлишида мустакил катнашувчи Цмураккаб тузилмалардан иборат.

Нефрон буйрак тузилишининг функционал бирлиги бўлиб, бир неча қисмдан иборат бўлади.

Буйракнинг пуст қаватида Шумлянский капсуласи бўлади. Бу капсула кушалок деворли нихоятда кичик (микроскопик) қосачадан иборат. Қосача қ деворлари бир қават хужайралардан тузилган. Капсуладан каналча бошдланади, бу каналча буралиб-буралиб, мағиз қаватига тушади. Каналчанинг қана шу қисми, бирламчи буралма каналча дейилади. Буйракнинг пуст қаватида каналча тужриланиб, Генли ковузлоғини ҳосил қилади, сунгра мағиз қаватидан яна пуст қаватига қайтади. Пуст қаватида яна каналча буралиб-буралиб, иккиламчи оурама каналчани ҳрсил қилади, бу каналча чикариш йўлига кқуйилади. Чикариш йўллари пуст ва ма«яз қаватлари орқали утиб, буйрак жомларига йиғилади. Буйрак жомлари эсжийдик йўлларига, сийдик йўллари эса ковуқка кқуйилади.

Шумлянский капсуласига артериал томирча қиради, қон келтирувчи томирча дебқталадиган бу томир капсула бушлигида қапилярларга бўлиниб, Мальпигий қоптокчасини ҳосил қилади. Мальпигий қоптокчасида босим ортиқрок булади. Шунинг натижасида, қон тарқибидеги сув, минерал тузлар, айрим оксил бирикмалари капсула деворидан силқиб утади. Бу жараёни филтирланиш жараёни дейилади. Филтирланиш натижасида ҳосил бўлган сую!у!икни дастлабки сийдик дейилади. Дастлабки сийдик тарқибий қисмига қура қон плазмасига яқин туради. Шунинг учун дастлабки сийдик биралмчмйза икқаламчи бурама найлардан утиш жараёнида, най деворларидаги қон қапилярларига организмга зарур бўлган моддалар (сув, аминокислоталар, минерал тузлар ва бошка моддалар) қайтадан сурилади. Бу жараёни реабсорбция жараёни Қайта сурилиш) дейилади. Шу йўл билан қон осматикк босими ва тарқибий қисми мувозанати сақланади.

Буйрак фаолияти организмни моддалар алмашинуви жараёни чикинди

моддаларидантозалашни таъминлаб бериш билан чекланиб қолмасдан, балки қондаги осматик босимни ва реакциянинг доим бир хилда туришини таъминлаб беради.

Бола ўсиб ривожланган сари буйрак массаси ва физиологик хусусиятлари ўзгариб бора, лекин бу жараёнлар айниқса бола хаётининг биринчи йилида, 13-15 ёшида (балогатга етилиш) ва 20 ёшида сезиларли даража бўлади. Ёш улгайган сари қовукнинг хажми 200мл.га тенг бўлса, 10 ёшли болаларда 600мл.га, 12 ёшли болаларда эса 1000мл. га тенг бўлади. Бирок қовуқ бутунлай тўлмасдан туриб сийдик чиқарилиши мумкин.

Хаётни биринчи йили мобайнида, сийдик ажралиш ғайри ихтиёрий суратда бўлса, кейинчалик эса, бошқарувчи нерв механизмлари етилиб, тарбия берилган сайин, сийдик чиқариш акти ихтиёрий бўлиб қолади. Бироқ, тунда сийдикни тута олмаслик одати баъзи болаларда сақланиб қолади. Бу ҳодиса бола хаётининг тўғри тартибга солинмаслигига: уйқудан олдин овқат ейиши, кўп суюқлик ичиш сабаб бўлиши мумкин. Тунда сийдик тута олмаслик ўғил болаларда қиз болалардагига нисбатан кўпроқ кузатилади ва 10 ёшдан кейин ёки балогатга етиш даврида бархам топади. Болаларда сийдик тута олмаслик касалини эниурез касаллиги дейилади.

Эниурез касаллиги туғма ёки хаётда ортирилган бўлиши мумкин. Хаётда ортирилганларига сабаб кўпинча буйракни, қовукни ва сийдик йўллари шамоллаши билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун болани йўргаклаганда, белаганда тагини хўл бўлиб қолмаслик эҳтиёт чораларини кўриш зарур.

Тери- одам танасини ташқаридан қоплаган аъзо бўлиб, у организмни химоя қилади ва турли физиологик фаолиятлари бажаради.

Терининг сатхи одамнинг ёши, жинси қараб 1,5—2,0 м<sup>2</sup> чамасида ўрта ҳисобда -1,73 м<sup>2</sup> бўлади. Уэпидермие, дерма ва тери ости, ёғ қатламларидан иборат. Тери қон, лимфа томирлари ва нерв учларига бой. Организмнинг баъзи аъзо ва тизимлари билан алоқадор. Тери химоя, сезувчи. нафас, сўриш, тана хароратини идора этиш, алмашилиш, қоннинг қайта тақсимланиши жараёнларида иштирок этади.

Терининг химоя фаолияти хилма-хил бўлиб, у мустахкам бириктирувчи туқимадан иборат бўлиб, организмни механик таъсирлардан сақлайди. Тери инфрақизил, ультрабинафша ва маълум миқдорда радиактив нурларни ўтказмайди. Кимёвий моддалар учун ҳам ишончли тўсиқдир. Шикастланмаган тери орқали микроблар ўта олмайди. Тери юзасида лизоцим, олейн кислота ва бошқа бактерицид моддалар бўлиб, унга тушган микроблар 15—30 дақиқада улади.

Терида организмни ташқи муҳит билан боғловчи бир неча хил тери сезгилари бир биридан фаркланади. Оғриқни сезиш рецепторларини, механик, термик, электрик, кимёвий таъсирланиши натижасида юзага чиқади. Хароратни сезиш иссиқ ва совуқни сезувчи рецепторларнинг қўзғилишига боғлиқ. Одамнинг териси орқали бир кечаю кундузда 7,0-9,0 г.СО<sub>2</sub> ажратилиб, 3,0-4,0г. кислород ўзлаштирилади. Бу миқдор газ алмашинувини 2% тенг бўлади. Тер орқали олинмаган нафас иссиқ

хароратда, овқат ейилгандан кейин, жисмоний иш вақтида ва бошқа шароитларда жадаллашади. Тери моддалар алмашинувида анча кенг иштирок этади. Газлар алмашинувидан ташқари оксиллар, ёғлар углеводлар,

### ***Мавзу буйича хулоса:***

Тирик организм ички муҳит барқарорлигини сақууаш учун, организмга кирган озика моддалар, сув, ҳаво ва бошқа моддаларнинг алмашилиш қилдикларини ташқи муҳитга чиқариб туриши шарт. Чунки моддалар алмашинуви қилдиклари сийдикчил, сийдик кислота, креотинин ва шунга ўхшаш моддалар миқдори қонда ортиб кетса, организм захарланади.

### ***Текирилиш саволлари.***

1. Организмда қандай айирув органлари бор?
2. Буйрак қандай тузилган ва структураси нималардан ташкил топади?
3. Сийдик зқосил бўлиш механизмини гапириб беринг?
4. Буйракнинг ёшга хос хусусиятлари.
5. Терининг организм фаолиятидаги аҳамияти.
6. Терининг тузилиши.
7. Болаларда учрайдиган тери касалликлари.
8. Терининг чиниктириш усуллари.

### ***Таянч тушунчалар.***

Ички муҳит, айирув органлари, экскретор орган, нефрон, осматик босим, филтрация, реабворбция, эниурез, тери касалликлари, чиниктириш.

### ***Адабиётлар:***

1. М.В.Антропова "Болалар ва усмирлар гигиенаси". М.Медицина, 2002
2. М.Т.Матнешонок "Бошланғич мактаб ўқувчиларининг анатомия, физиология ва гигиенаси". Минск. "Висшая школа". 2001.
3. КХ.Содиков "Ўқувчилар физиологияси ва гигиенаси" Т.Ўқитувчи, 2002.
4. А.Г.Хрипкива, М.В.Антропова, Д.А.Фарбер, "Ёш физиологияси ва гигиенаси" М.Просвещение 2000.
5. Соғлом авлод-юртимиз келажаги "Ўқитувчи газетаси". №48. 1999
6. Физиология человека. Под ред. Косицкого Г.И.: -М.2002
7. Новые исследования по возрастной физиологии. -Т.: 2003.
8. Хрипкива А.Г. Анатомия, физиология и гигиена человека. -М.: 2000.
9. Белецкая В.И., Громова З.П. Школьная гигиена. М.:2000

10. Хрипкова А.Г., Антропова М.В., Фарбер Д.А. Возрастная физиология и школьная гигиена Москва 2000 г.
11. Физиология развития ребенка. Под ред. М.В. Антроповой Москва 2003 г.
12. Антропова М.В. Гигиена детей и подростков.-6 изд. М.: Медицина 2002.
13. Гуминский А.А., Леонтьева Н.Н., Тупицына Л.П., Руководство по выполнению лабораторных занятий по физиологии.- М.Изд. МГПИ 2000.
14. Хрипкова А.Г. Возрастная физиология.- М.; Просвещение. 2001.
15. Колесов Д.В.; Хрипкова А.Г. Гигиена и здоровье школьника.- М., Просвещение., 2000.

***Кушимча адабиётлар:***

1. Хрипкова А.Г., Антропова М.В. Адаптация организма учащихся к учебной и физической нагрузкам.- М.; Просвещение, 2002.
2. Хрипкова А.С., Половое воспитание . - М.; Просвещение, 2000.
3. Маркосян А.А. К вопросу о возрастной физиологии.- М.: 2001
4. Шарипова Д.Д. Школьникам о здоровье. 2003.
5. Сухомлинский В.А. О воспитании.- М.: 2000.
6. Адаптация организма учащихся к учебной и физическим нагрузкам  
Под ред. Хрипковой А.Г., Антроповой М.В.- М. Педагогика. 2001.
7. Леонтьева Н.Н., Маринова К.В. Анатомия и физиология детского организма. М., Просвещение., 1999.
8. Физиология развития ребенка./ под ред. В.И. Козлова./, М. Педагогика. 1999.
9. Созревание основных физиологических систем организма детей.  
Под ред. М.М. Кольцовой. М.- 2000.
10. Нормализация учебной нагрузки школьников. Под ред. В.И. Козлова. М. 2001.

[WWW.MGPI@PED.MAST.ru](mailto:WWW.MGPI@PED.MAST.ru)

[www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru).

[www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru).

[www.ppsy.ru](http://www.ppsy.ru).

[www.search.re.uz](http://www.search.re.uz) - система поиска информации Узбекистана.

[www.ictcouncil.gov.ru](http://www.ictcouncil.gov.ru) - сайт Координационного совета Кабинета Министров по развитию компьютеризации.

[www.escoman.edu.ru](http://www.escoman.edu.ru) - учебно - методический комплекс по предметам высших учебных заведений

WWW.FIZIOLOGIA.RU

## 11-МАЪРУЗА

### МАВЗУ: БОЛАЛАР ВА УСМИРЛАР САЛОМАТЛИГИ. ЁМОН ОДАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.

#### РЕЖА:

1. Саломатлик хакида тушунча.
2. меҳнат қобилиятининг касб эгаллашга таъсири.
3. Чекиш, наркомания ва алкоголизм.
4. Наслий асоратлар.

Организмнинг икки хусусияти ирсият ва узгарувчанликни ўрганадиган фанга генетика фани дейилади. Замонавий генетиканинг вужудга келган вақти 1865 йил ҳисобланади, шу йили чех олими Грегор Мендель бир ва икки белгиси жихатидан бир-биридан фарқ қиладиган нўхат навларини чапиштириб, белгиларнинг ирсий йўл билан наслдан-наслга Утиш қонуниятларини аниқ ууаган. У *кизил* гулли сарик нўхатни оқ; гулли яшил нухат билан чанглатади. Қизил ва 019 гулли ўсимликлар 3 : 1 нисбатда ведоминант ва рецессив белги асосида юзага чиқади. Менделнинг бу буюк ишларига замондошлари муносиб баҳо бера олмади. Уз тажрибаларида худди шундай натижаларни олган голланд олими Де Фриз унутиб юборилга Мендель тажрибаларини қайта тахлил қилиб, унинг тадқиқотларини тўла туқис тасдиқлади. Шундай қилиб, Мендель *қрунлари* тан олинди ва генетика фанига асос солинди. Менделнинг биринчи қонуни доминанта ва рецессивлик қонуни бўлиб, юзага чиқ!\$ан белгилар доминанта белгилари юзага чшкмаган белгилар рецессив белгилар деб юритилади. Иккинчи қонуни ота~ она белгилари 3:1 нисбатда авлоддан-авлодга Утади, яъни 75% доминант, 25% рецессив белгилар юзага чиқади.

Ирсиятнинг моддий негизи бу хужайранинг ўз нусхасини икайта вужудга келтира оладиган ва бўлиниш процессида қиз хужайраларга тақсимланиш хусусиятига эга бўлган барча, элементлари ҳисобланади. Ирсият наслдан-наслга қай тарзда ўтишини билиш учун хужайра ха!\$ида маълумотга эга бўлиш керак. Барча тирик организм хужайралардан ташкил топган. 1665 йилда Р. Гук томонидан содда микроскоп ихтиро қилиниши хужайра таълимотининг туғилишига олиб келди. У пўқакдан юпка кесма тайёрлаб, микроскоп остида кузатганда майда катакчаларни кўрди ва уларга хужайралар деб ном берди. Электрон микроскоп кашф этилиши билан хужайранинг таркиби ва хужайрадаги моддалар алмашинуви ўрганила бошланди. Хужайралар шарсимон, дуксимон, призмасимон шаклларда бўлади. Хар бир хужайра цитоплазматик мембрана, цитоплазма, ядро ва хужайра органоидларидан ташкил топган. Хужайра органоидларига махсус тузилишга эга бўлган ва маълум функцияни бажарадиган тузилмалар қиради. Улар эндоплазматик

